ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА МЕЛИОРАЦИЯ ИНСТИТУТИ

УДК 31.15.236 Қўлёзма ҳуқуқида

ТУРСУНОВ РУСТАМ ТОХИРОВИЧ

# Тошкент вилояти Ўрта Чирчиқ туманида ердан фойдаланишнинг иқтисодий-хуқуқий механизмларини такомиллаштириш.

5А410701 - "Ер ресурсларидан фойдаланиш ва бошқариш" мутахассислиги бўйича Магистр академик даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар:
т.ф.н., доцент Э.Х.Нурматов

**ТОШКЕНТ- 2013**

| М У Н Д А Р И Ж А | | |
|---|---|---|
| | Кириш . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . | 3 |
| I боб. | Ердан фойдаланишнинг иқтисодий-хуқуқий механизмлари......................................................................... | 10 |
| 1. | Ердан самарали фойдаланишнинг иқтисодий омиллари, ер солиғи ва ижара ҳақи................................................................ | 10 |
| 2. | Ер ресурсларини муҳофаза қилиш …………………………......... | 17 |
| 3. | Ердан фойдаланишда давлат назорати ………………………… | 25 |
| | 1-боб бўйича хулоса | |
| II боб. | Тошкент вилояти Ўрта Чирчиқ туманининг таъбий шароити..................................................................................... | 37 |
| 1. | Тошкент вилояти ва Ўрта Чирчиқ туманининг табиий иқтисодий шароитлари............................................................. | 37 |
| 2. | Ер-табиий ресурс ҳамда халк хўжалиги тармоқларининг ишлаб чиқариш воситаси сифатида.............................................. | 57 |
| 3. | Ердан фойдаланишни бошкаришнинг иктисодий рагбатлари..................................................................................... | 62 |
| 4. | Фаолият шакллари ва кўринишлари............................................. | 74 |
| | 2-боб бўйича хулоса | |
| III боб. | Ердан фойдаланишнинг иқтисодий-хуқуқий механизмларини такомиллаштириш..................................................................... | 77 |
| 1. | Ердан самарали фойдаланишни бошкаришнинг умумуслубий масалалари.......................................................................... | 77 |
| 2. | Мамлакатнинг мавджуд ердан фойдаланишидаги муаммолари. | 86 |
| 3. | Ердан фойдаланишнинг иқтисодий механизими ва уни бошқариш функцияси................................................................... | 94 |
| 4. | Хулоса ва таклифлар....................................................................... | 105 |
| 5. | Фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати........................................ | 108 |
| 6. | Иловалар......................................................................................... | 119 |

# КИРИШ

**Мавзунинг долзарблиги.** Республикамиз иқтисодиётини тубдан интенсив ривожланиш йўлига бурилиши, барча соха ва тармокларда илмий-техника тараккиётининг жадал тадбик этилиши, ягона иктисодий организм сифатида агросаноат мажмуасини фаолият кўрсатиши, ердан фойдаланишда янги ва устувор йўналишларни тадбиқ этишни талаб қилади. Бундай шароитда ердан фойдаланишни ташкил этишни бошқариш, режалаштириш, агросаноат мажмуасининг барча даражаларида ресурслар тежамкорлигини таъминлайдиган технологияларни жорий этишни тақозо этади.

Шундай қилиб, пировард мақсадда ердан фойдаланишни тежамли тизимини ташкил қилиш ва амалга ошириш, яъни агросаноат мажмуасида ва умуман иқтисодиёт тармоқларида уларни аниқ мақсадга йўналтирилганлигини - ерни тежаш ва фойдаланишда юқори самарадорликка эришиш мезони бўйича, давлат ер заҳирасини, ер тоифалари буйича табақалаштирилган мезонни таъминлашдан иборатдир.

Равшанки, бу ерда айрим тадбирларни четлаб ўтиб бўлмайди. Бинобарин, ердан фойдаланиш масаласини ечишга, янги шароитда, мажмуали ёндошув талаб этилади. Бирок нафакат оддий тадбирлар мажмуаси керак, балки ердан фойдаланиш иктисодиётини ташкил этиш, режалаштиришнинг барча тизимларини максадга йуналтирилган холда ривожлантириш, пировард натижада ер ресурсларини бошкаришнинг яхлит ва самарали тизимини яратиш керак.

Шунинг учун солиқ солиш ва бюджет даромадларини тўплашни кўпайтиришга имконият берадиган Ердан фойдаланишни бошқаришнинг минтақа ва махаллий ўз-ўзини бошқаришда инвестициялар жалб қилишнинг, ер муносабатларининг субъектлари учун кафолатланган хуқуқ билан таъминлашнинг самарали тизимини яратишда янги тамойиллар ва услублар вужудга келади.

Ер ўзининг асосий хусусиятларидан ташқари ушбу ресурс ишлаб чиқариш воситаси, ҳудудий бизнес, табиий бойлик, ҳуқуқий муносабатлар ва кўчмас мулк объекти бўлиб қолди.

Маъмурий-ҳудудий даражада вилоят ва туман (шахар) да Ердан фойдаланишни бошқаришнинг муҳим омилларидан бири Давлат ер кадастри хисобланади. У ер муносабатларини иқтисодий тартибга солишнинг ва ҳудудий давлат бошқарувининг ахборот асоси бўлиб хизмат қилади. Шу билан бирга ер кадастрининг асосий мувофиқланган қисми бозор шароитига мослашган бўлиши керак. Айниқса, бу ер муносабатлари субъектларига солиқ солиш қоидалари ва қонун ўзгариши тамойилларини тадбик этишда хамда турли тоифадаги ерларни давлат кадастри ёрдамида баҳолашнинг иқтисодий асосланган усулини ишлаб чиқишда муҳим ҳисобланади.

Бозор муносабатларини қарор топиши шароитида ерларни давлат бошқарувининг кулай мажмуали услубларини куллаш ва бюджет даромадларини кўпайтиришни таъминловчи, ердан фойдаланишнинг энг самарали бошқариш айниқса муҳим аҳамиятга эга бўлади. Шу билан бирга ер муносабатларини давлат бошқарувида ягона тартибни ўрнатиш, ижара хақини белгилашда оқилона услубларни ишлаб чиқиш, ер бозори ҳолатини аниқ акс эттирадиган минтақа иқтисодиётининг ҳолати ва ундаги жараёнларни бошқариш тизимида ер ижараси сиёсатида тадбирлар мажмуасини шакллантиришнинг бирламчилигини хисобга олувчи аҳамиятга эга.

Ер ресурсларидан самарали фойдаланишни бошқариш назариясини ишлаб чиқиш, ерни олди-сотди шакллари ва услубларини қўллаш, ер участкаларини хусусийлаштириш жараёнларини, инвестицион, баҳолаш, суғурта фаолияти, ипотека кредитлаштириш, ерга оид қимматбаҳо қогозлар билан муомала ўтказишни рагбатлантириш зарурияти ҳам туғилмокда.

Давлат кадастрлар тизими, шу жумладан ер кадастри олдига қўйилган муаммоларни ечиш масалаларини далзарблигига қарамай хозирги даврда олиб бораётган илмий тадқиқот ишлари ва амалиётда зарур даромади ўрганилмаган. Махсус адабиётда ер ресурсларидан самарали фойдаланишни бошқариш глобал муаммо сифатида ва унинг асосий бўғини бўлган ер кадастри мураккаб тизим сифатида яхлит ва поғонали занжир сифатида тадқиқот қилинмаган.

Ер ресурсларидан самарали фойдаланишни бошқариш негизида тармоқлараро ер тақсимоти ва ердан фойдаланишни прогнозлашнинг умум услубий масалалари комплекс холда ўрганилмаган ва тизимли тадқиқотлар ўтказилмаган. Натижада хозирги даврда муаммога объектив ва хаққоний бахо бериш мумкин эмаслиги аён бўлиб қолган глобал муаммо бўлган ер ресурсларидан самарали фойдаланишни бошқаришда хуқуқий масалалар бўйича ёндашувлар натижасида яхлит илмий йўналишнинг бир қадар «йўқолиб қолишига» сабаб бўлиб келмоқда. Ер кадастр ва ер тузушнинг умумлаштирувчи юқори поғонаси бўлган ер ресурсларидан самарали фойдаланишни бошқаришнинг истиқболдаги метологик такомиллашуви бу муаммога илмий услубий асосланган комплекс ва тизимни ёндошув хисобланади.

Демак, мамлакатимизда бозор иқтисодиёти шароитида амалга оширилаётган туб умум иқтисодий ва аграр ислоқатларни хаётга тадбиғи, халқ хўжалик тармоқларининг истиқболдаги равнақи, ер танқислиги муаммоларининг кескинлиги ер ресурларидан самарали фойдаланишни бошқаришнинг илмий ва метологик асосларини яратиш хозирги даврнинг энг долзарб муаммоларидан хисобланади.

**Ишнинг мақсади ва вазифалари.** Ўзбекистонда ердан фойдаланишнинг иқтисодий-ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш орқали ушбу соҳада иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларининг илмий-назарий, услубий ҳамда амалий

жиҳатлари ва хусусиятларини ўрганиш ҳамда истиқболларини асослаш ҳисобланади.

Мазкур мақсадга мувофиқ диссертация ишида қуйидаги вазифаларни ҳал этиш кўзда тутилди:

ердан фойдаланишнинг ҳуқуқий ва иқтисодий механизмларининг ўзига хос хусусиятлари, аҳамияти ва афзалликларининг мазмун-моҳиятини асослаш;

халқаро муносабатлар тизимида ер ресурсларидан фойдаланиш тажрибаларининг Ўрта Чирчиқ ердан фойдаланиш тизимида қўлланилиш имкониятлари ва шарт-шароитлари юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;

ердан фойдаланиш даражасини таҳлил этиш ва унинг ҳолатига баҳо бериш асосида бу борада фойдаланилмаётган имкониятлар ва заҳираларни амалга ошириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;

аграр соҳада ердан фойдаланиш тизимини янада ислоҳ этишнинг устувор йўналишларини ривожлантиришнинг иқтисодий-ҳуқуқий жихатларини асослаш;

мустақиллик йилларида мамлакатимизда ер ресурсларидан фойдаланишдаги асосий тенденциялар ва уларнинг микдор ва сифат жиҳатидан тавсифи ҳамда ўзига хос хусусиятларини таҳлил қилиш ва баҳолаш.

**Тадқиқот объекти ва предмета.** Тошкент вилояти Ўрта Чирчиқ тумани ердан фойдаланиш тизими субъектларининг ташкилий-иқтисодий фаолиятлари илмий тадқиқотнинг объекти килиб олинди.

Ердан фойдаланиш жараёнларида вужудга келадиган ишлаб чиқариш, ижтимоий, ташкилий-иқтисодий муносабатлар тадқиқотнинг предметини ташки л этади.

**Тадқиқот услубиёти ва усуллари.** Диссертация ишини тайёрлашда гуруҳлаш, статистик ва қиёсий таҳлил, илмий-тадқиқотларни амалга оширишнинг мантиқий, табақалаштириш ва муаммога тизимли ёндашув, монографик, сўров ўтказиш каби усуллардан самарали фойдаланилди.

**Тадқиқот натижаларининг илмий жиҳатдан янгилик даражаси.** Диссертацияда эришилган илмий янгиликлар ва амалий тавсиялар қуйидагилардан иборат:

- ердан фойдаланиш тизимида иқтисодий муносабатларни ислох килишнинг миллий иктисодиётни модернизациялаштириш тизимидаги ўрни ва вазифаларини белгилашда мустақил муаллифлик ёндашуви асосланди;

- ердан фойдаланиш тизимининг хориж тажрибалари муҳим элементларининг маҳаллий шароитларга реализация қилинишидаги механизми жорий этилди;

- ердан фойдаланиш даражасидаги салбий тенденцияларга олиб келган омиллар таҳлил қилинди ва уларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар белгилаш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқилди;

- Қишлоқ хўжалигида ердан фойдаланиш тизимини яхшилашнинг устувор йўналишларини белгилаш ва бу борада уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг энг муҳим вазифалари ишлаб чиқилди;

- ер бозор баҳоси (нархи)нинг ер бозори шаклланишидаги ўрни ва вазифалари асосланди ҳамда уни аниқлаш ва ҳисоб-китоб қилишнинг методологик ва амалий жиҳатлари асосланди.

**Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ва тадбиғи.** Илмий ишда ишлаб чиқилган илмий фикр-мулоҳазалар, методологик ёндашувлар ва илмий-назарий тавсиялар Ўрта Чирчиқ ердан фойдаланиш тизимини янада

такомиллаштириш, ундаги иқтисодий муносабатларни бозор талаб ва шартларидан келиб чиққан ҳолда эркинлаштириш ва ислоҳотларни янада чукурлаштиришнинг энг илғор ва замонавий шакл ҳамда услубларини ишлаб чиқиш юзасидан олиб бориладиган махсус илмий-амалий тадқиқот ишларида қўлланилиши мумкин.

**Хулоса ва таклифларнинг қисқача умумлаштирилган ифодаси.** Маъмурий туман ерларида кадастр баҳолашни ўтказиш ва ерларнинг меъёрий баҳоси асосида шаклланувчи ер учун тўлов тизимига ўтилишини таъминлаш.

Шаклланган маъмурий-ҳудудий чегаралар доирасидаги ялпи ерларни рўйхатдан ўтказиш бўйича ишларни тугаллаш ва унинг асосида ерларни асосий рўйхатга олиш, ер-кадастр ҳужжатларига тегишли ўзгартиришлар кирита бориш ҳамда ҳар бир ер участкасига алоҳида кадастр ҳужжатлари тўпламини шакллантириш лозим.

Маъмурий туманларнинг ер тузиш тарҳларини ишлаб чиқиш бўйича ишларни қайта тиклаш зарур ва айни вақтда уларга "бош ва мажбурий ер тузиш ҳужжатлари",- деган мақом бериб, ундан олдинги ишларни эса босқичларга бўлиб, "хўжаликлараро ва хўжалик ички ер тузиш лойиҳалари", деб номлаш керак.

Туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимларининг кундалик фойдаланишлари учун туман ер кадастри хариталарини ишлаб чиқиб, унда барча алоҳида қийматга эга ерларнинг мавжуд ер участкаларини, санитариявий муҳофазалаш, сувни муҳофазалаш ва бошқа минтақалар (зона) чегараларини акс эттириш лозим.

**Ишнинг тузилиши ва таркиби.** Диссертация иши кириш, 3 та боб, хулоса ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Иш хажми 120 бет компьютерда терилган матнидан иборат бўлиб, шу жумладан 2 та формула, 3та рам, 12 та жадвал, 47 та адабиётлар рўйҳатидан ташкил топган.

**Бажарилган ишнинг асосий натижалари.**

Маъмурий туман ерларида кадастр баҳолашни ўтказиш ва ерларнинг меъёрий баҳоси асосида шаклланувчи ер учун тўлов тизимига ўтилишини таъминлаш юзасидан таклифлар ишлаб чиқилди.

Қишлоқ хўжалик корхоналарини давлат тасарруфидан чиқариш ва тарқатиб юбориш шароитида, ер фондларини фермер хўжаликларига тақсимлаб бериш натижасида далаларнинг (контурларни) бўлиниб кетиши, илгари татбиқ этилган ва ўзлаштирилган алмашлаб экиш, экинларни жойлаштириш таркибларининг бузилиши ҳамда деҳқончилик маданиятининг пасайиши каби жараёнлар ерларнинг аэроэкологик ҳолати ёмонлашувига олиб келиши тадқиқотлар жараёнида аниқланди.

Туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимларининг кундалик фойдаланишлари учун туман ер кадастри хариталарини ишлаб чиқиб, унда барча алоҳида қийматга эга ерларнинг мавжуд ер участкаларини, санитариявий муҳофазалаш, сувни муҳофазалаш ва бошқа минтақалар (зона) чегараларини акс эттириш лозимлиги аниқланди.

Ер тузиш, ердан фойдаланиш ва уни муҳофазалаш устидан давлат назорати ўтказиш, ер мониторинги ва давлат кадастри юритиш учун тегишли миқёсдаги замонавий ва сифатли картография тарҳ ҳужжатлари билан таъминлаш ҳам муҳимлиги изланишлар натижасида аниқланди.

“Ергеодезкадастр” давлат қўмитаси тизимидаги ходимларнинг салоҳиятини ошириш ва қайта тайёрлаш Дастури ишлаб чиқилиб, ходимларнинг малакасини ошириш, лавозимларни эгалловчи ходимлар захирасини тўлдириш, Давлат ер кадастрини юритишнинг янги, компьютерли технологиясини ўрганиш, кадастрли суратга олиш ва ер тузиш ишларини ўтказиш зарурлиги тўғрисида таклифлар берилди.

# 1-БОБ. ЕРДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ИҚТИСОДИЙ-ХУҚУҚИЙ МЕХАНИЗМЛАРИ.

## 1.1 Ердан самарали фойдаланишнинг иқтисодий омиллари, ер солиғи ва ижара ҳақи

Ўзбекистон Республикаси «Ер кодекси»нинг 28-моддасига биноан, Ўзбекистон Республикасида ердан фойдаланганлик учун ҳақ тўланади. Ўз эгалигида ва фойдаланишида ҳамда мулкида ер участкалари бўлган юридик ва жисмоний шахслар ер учун ҳақ тўлайдилар. Ер учун ҳақ ҳар йили тўланадиган ер солиғи шаклида олинади, унинг миқдори ер участкасининг сифатига, жойлашишига ва сув билан таъминланиш даражасига қараб белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, давлат ҳокимиятининг маҳаллий органлари, фуқаролар ўз-ўзларини бошқарув органларининг қарорлари бўйича ер участкаларини ижарага олган юридик ва жисмоний шахслар ер солиғи ўрнига бюджетга ижара ҳақи тўлайдилар.

Унинг миқдори тарафларнинг келишувига мувофиқ белгиланади, лекин у ер солиғи ставкасининг бир баробаридан кам ва уч баробаридан кўп бўлмаслиги керак, ердан қишлоқ хўжалик эҳтиёжлари учун фойдаланилган тақдирда ер солиғи ставкасининг бир баробари миқдорида бўлади. Ер ижарачиларини ҳисобга олиб бориш, ижарага олинган ерлар учун ижара ҳақи ҳисоб-китобларини тақдим этиш ҳамда ер ижараси ҳақини тўлаш ер солиғини тўлаш учун белгиланган тартибга мос ҳолда амалга оширилади.

Ўз тасарруфида ва фойдаланишида ер участкаларига эга бўлган бирлашмалар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, қишлоқ хўжалик корхоналари, чет эл юридик шахслари, уларнинг ташкилотлари, бўлинмалар ва филиаллари, шу жумладан қўшма корхоналарнинг Ўзбекистон ҳудудида жойлашган филиаллари, шунингдек Ўзбекистон

Республикасининг фуқаролари, бошқа давлатларнинг фуқаролари ер солиғи тўловчилари ҳисобланадилар. Ер солиғининг ставкалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси томонидан белгиланади. Ер солиғи ставкаларининг миқдорлари бўйича Тошкент шахри 14 иқтисодий минтақага, вилоят марказлари эса 3 ёки 4 иқтисодий минтақага бўлинган. Ҳар бир минтақа бўйича ҳам ер солиғи ставкалари Вазирлар Махкамаси томонидан белгиланади.

Бундан ташқари қишлоқ хўжалиги товар маҳсулотларини ишлаб чиқариш билан шуғулланувчилар учун 1999 йил 1 январидан олдинги турли солиқлар ўрнига ягона ер солиғи ундириладиган булки (алкогол ва тамаки маҳсулотларига акциз солиғидан ташқари).

Юридик шахслар учун солиққа тортилиш объектлари қуйидаги ер участкалари ҳисобланади:

- қонунда белгиланган тартибда мулк қилиб олинган;
- қишлоқ ва ўрмон хўжалигини юритиш учун эгалик қилишга берилган;
- корхоналар, бинолар ва иншоотлар қуриш учун ёки бошқа ноқишлоқ хўжалик мақсадлари учун фойдаланишга берилган;
- корхона, бино ва иншоотларнинг мулкчилик ҳуқуқини эгалик ва фойдаланиш ҳуқуқлари билан бирга бошқага ўтган.

Жисмоний шахслар учун қуйидаги ер участкалари солиққа тортиш объектлари бўлади:

- яшаш уйи олдида ёки жамоат ерларида шахсий ёрдамчи хўжаликни юритиш учун умрбод меросий эгаликка берилган;
- якка тартибда уй-жой қуриш учун умрбод меросий эгалик учун берилган;
- жамоа боғдорчилиги, узумчилиги ва полизчилигини юритиш учун берилган;
- хизмат юзасидан ер бўлагини ажратиш тартибида қонунга мос холда берилган;

- совға қилиш ёки сотиб олиш натижасида яшаш уйи, чорбоғ билан биргаликда эгалик ҳуқуқи бошқага ўтган;
- қонунда белгиланган тартибда мулк сифатида сотиб олинган;
- тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун доимий фойдаланишга ёки ижарага олинган.

Солиқ умумий ер майдонидан ундирилади. Ер солиғи белгиланган тартибда юридик шахсларга ва фуқароларга эгалик қилиш ёки фойдаланишга берилган (жумладан, қурилиш ва иншоотлар билан банд бўлган ерлар) солиқ солинадиган ер майдонидан, шунингдек, қурилиш ва иншоотларни таъминлаш учун зарур булган ер участкаларидан бир йил ҳисобида ундирилади. Бунда иморатлар қурилиш ва иншоотлар қурилиши учун зарур бўлган солиқ солинадиган ер участкалари майдонига, шунингдек, объектларнинг санитария-ҳимоя тегралари, техник ва бошқа тегралар ҳам қўшилади (агар улар бошқа юридик шахслар ва фуқароларга фойдаланиш учун берилган бўлса).

Агар иморатларга хизмат кўрсатадиган ер участкаси бир неча юридик шахс ва фуқаролар ўртасида фойдаланиш учун берилган бўлса, у ҳолда бундай участканинг ҳар бир қисми учун ер солиғи алоҳида ҳисоблаб чиқилади. Бундай шахс ва фуқаролар ўртасида биргаликда фойдаланиладиган ер майдони улар орасида келишилган ҳолда, амалда фойдаланиб келган миқдорда тақсимланади.

Бир неча юридик шахс ва фуқароларнинг умумий мулки ҳисобланган иморатларга хизмат кўрсатувчи ер участкалари учун бу мулк эгасининг ҳар бирига алоҳида иморатларнинг умумий майдонида уларнинг эгаллаган улушларига қараб ер солиғи ҳисобланади. Агар бинода бир неча юридик шахс жойлашган бўлса, у ҳолда ушбу бино жойлашган ер участкаси учун ушбу бино қайси юридик шахс балансида турган бўлса уша шахсдан солиқ ундирилади.

Юридик шахслар йил давомида ер участкаларини олганларида, шунингдек улар фойдаланадиган ер майдони кўпайган тақдирда, ер майдони ажратилган ёки фойдаланилаётган ер майдони кенгайтирилган кундан бошлаб бир ой муддатдан кечиктирмай солиқ инспекцияларига ер солиғи ҳисоб-китобларини тақдим этишлари шарт.

Йил давомида ажратилган ер участкалари учун солиқ ер участкаси ажратилган ойдан кейинги ойдан бошлаб туланади. Ер участкаси олиб қўйилган тақдирда солиқни ундириш ер участкаси олиб қўйилган ойдан бошлаб тухтатилади. Шунга кура тегишли меъморчилик ва ер тузиш органлари ердан фойдаланувчилар ва улар эгаллаб турган ер майдонлари таркибида рўй берган ўзгаришлар ҳақида шаҳар ва туман солиқ инспекцияларига маълумот беришлари шарт.

Юридик шахсларга ер солиғи бўйича имтиёзлар белгиланган тақдирда, ушбу ҳуқуқ пайдо булган ойдан бошлаб солиқ тулаш тухтатилади. Агарда, аксинча, ер солиғини тулаш бўйича имтиёзлар бекор қилинса, ер солиғини тулаш ушбу бекор қилингандан кейинги ойдан бошлаб амалга оширила бошланади.

Конлардан қазилма бойликларини қазиб олиш билан боғлик ерлардан солиқ ундириш уларни жойлашган ўрнига қараб конлар ва карьералар учун тегишли ставкалар бўйича амалга оширилади. Фойдали қазилма бойликларини қайта ишлаш, жумладан уларни сақлаш ва тиндириш жойлари билан биргаликда, шунингдек уларнинг маъмурий ва ёрдамчи бинолари эгаллаган ерлардан солиқ корхона, муассаса ва ташкилотлар ставкалари бўйича ҳисоблаб чиқилади.

Агарда бино бир неча юридик шахсга хизмат қиладиган бўлса, унинг эгаллаган ва унга хизмат кўрсатадиган ер участкасига ер солиғи, агарда ушбу бинога мулкчилик ҳуқуқини гувоҳловчи ҳужжатларда бошқа ҳуқуқ қайд қилинмаган бўлса, барча юридик шахсларга ер майдони тенг миқдорларда бўлиб берилган ҳолда ҳисоблаб чиқилади.

Солиққа тортиш мақсадлари учун ўрмон, балиқчилик ва овчилик хўжаликлари , шунингдек, машина-трактор парклари қишлоқ хўжалик корхоналарига тенглаштирилади. Кўп қаватли уй-жойларнинг бир қисмини эгаллаб турган юридик шахслардан ер солиғи ундириш учун солиқ солинадиган майдон ушбу юридик шахс эгаллаб турган ишлаб чиқариш хоналари умумий майдонини шу уйдаги қаватлар сонига тақсимлаш йўли билан аниқланади. Уй-жойларнинг ён томонида чиқиб турган ишлаб чиқариш хоналарининг майдони бинога кираверишда эгалллаб турилган майдонлари ҳисобга олган ҳолда тулиқ қабул қилинади.

## 1.2 Ер ресурсларини муҳофаза қилиш

Маълумки, инсон ўзининг хўжалик фаолияти даврида ернинг устки, унумдор қатлами ҳисобланган тупроққа салбий таъсир этиб унинг унумдорлигини пасайтиради ва натижада ҳосилдор ерлар майдонининг қисқариб кетишига сабабчи бўлади. Шунингдек ердан нотўғри фойдаланиб, илғор агротехника қоидаларига риоя қилинмаслиги туфайли тупроқ эрозияси кучаяди; суғориш қоидаси ва меъёрига риоя қилмаслик оқибатида тупроқ қайта шўрланади, ботқоқлашади; минерал ўғитлардан нотўғри фойдаланиш ва захарли кимёвий моддаларни ишлатиш қоидасига риоя қилмаслик натижасида тупроқ кимёвий моддалар билан захарланади; алмашлаб экишга эътибор бермаслик туфайли тупроқда озуқа моддалар миқдори камаяди, шамол эрозиясига қарши ихота ўрмонлар ташкил этилмаслиги тупроқнинг устки ҳосилдор қисми учирилиб кетилади; ёнбағирлари тик бўлган ерларни нотўғри ҳайдаш оқибатида сув эрозияси кучаяди.

Буларнинг оқибатида ер майдони тезда ишдан чиқиб, физик-кимёвий ва биологик ҳолати ёмонлашиб, ҳосил бермайдиган ерга айланиб қолади. Чунки таркиби бузилган ва эрозияга учраган тупроқда намликни,

тупроқнинг устки ҳосилдор қисмидаги заррачаларни ушлаб турувчи гумус-чириндиси тугаб қолади.

Тупроқ сифатини бузилишида инженерлик иншоатларининг ҳам таъсири каттадир. Чунки ҳар-хил қувурларни – газ қувури, иссиқлик қувури, сув қувури, канализация қувури, нефт қувури ва бошқа қувурлар атрофдаги тупроққа салбий таъсир кўрсатиб тупроқнинг биологик, иссиқлик режимларининг бузилишига сабаб бўлади. Турли харктераларнинг вужудга келиши оқибатида ҳам катта майдонлар қишлоқ хўжалик оборотидан чиқиб кетмоқда. Юқоридагилар асосида шуни алоҳида эътироф этиш зарурки, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ривожлантириш, экинлар ҳосилдорлигини ошириш биринчи навбатда ер майдонларини зарурий тартибда муҳофаза қилиниши асосида мумкин бўлади.

Ерларни муҳофаза қилиш улардан белгиланган мақсадда, оқилона фойдаланиш, тупроқ унумдорлигини, ўрмон фонди ерларининг самарадорлигини тиклаш ва ошириш, қишлоқ хўжалик оборотидан ва алоҳида муҳофаза этиладиган ҳудудларнинг ерлари таркибидан ерларнинг асоссиз равишда олиб қўйилиши олдини олиш, уларни зарарли антропоген таъсирдан ҳимоя қилишга қаратилган ҳуқуқий, ташкилий, иқтисодий, технологик ва бошқа тадбирлар тизимини қамраб олади.

Ерларни муҳофаза қилишнинг асосини – Ерларга мураккаб табиий ҳосилалар (экотизимлар) тариқасида, уларнинг қишлоқ хўжалигининг табиий мослашуви жихатидан районлаштирилиши ва минтақавий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда атрофлича ёндошишни амалга ошириш ташкил қилади.

Ерларни муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий тадбирлари ўз ичига – ерларни муҳофаза қилишга доир ҳуқуқий нормаларни ишлаб чиқиш, қабул қилиш ва амалиётда тадбиқ қилиш чораларини олади. Ўзбекистон мустақилликга эришгандан буён ўтган даврда қабул қилинган 40 дан зиёд қонунлар ва 500

га яқин меъёрий хужжатларда ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилиш меъёрлари белгилаб берилган.

Ерларни муҳофаза қилишнинг ташкилий тадбирлари – ер майдонларини муҳофаза қилишга доир маълум бир ташкилий чораларни асослаб беришни ва уни амалиётга тадбиқ қилишни ўз ичига олади. Ерларни муҳофаза қилишнинг иқтисодий тадбирлари – ерларни муҳофаза қилишга йўналтирилган чора ва тадбирларни амалга оширишдан манфаатдорликни таъминлашни ташкил этишни ўз ичига олади.

Жумладан, Ер кодексининг 82-моддасига мувофиқ, ерлардан оқилона фойдаланишни ва уларни муҳофаза қилишни иқтисодий рақобатлантириш ер эгалари, ердан фойдаланувчиларнинг тупроқ унумдорлиги сақланиши ва тикланишидан, ерни ишлаб чиқаришнинг салбий оқибатларидан ҳимоя этилишидан манфаатдорлигини оширишга қаратилган бўлиб, ўз ичига қуйидагиларни олади:

- янги ўзлаштирилаётган ва мелиоратив ҳолатини яхшилаш жараёнида турган мавжуд суғориладиган ерларга қонун хужжатларида белгиланган тартибда ер солиғи бўйича имтиёзлар бериш;
- ерларни муҳофаза қилиш ва қайта тиклаш бўйича фаолиятни амалга ошираётган юридик ва жисмоний шахсларга кам чиқит ва ресурсларни тежовчи технологияларни жорий этишда солиққа, кредитга оид ва бошқа имтиёзлар бериш;
- ерларнинг сифатини яхшилашни, илмий асосланган алмашлаб экишни жорий этишни, қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалигига мўлжалланган ерларнинг унумдорлигини оширишни, экологик соф маҳсулот етиштиришни рағбатлантириш;
- ер эгалари, ердан фойдаланувчилар ва ижарачиларнинг айби бўлмаган ҳолда бузилган ерни қайта тиклаш учун, зарурият бўлган тақдирда, республика бюджетидан ёки маҳаллий бюджетдан маблағлар ажратиш,

агротехника, ўрмон мелиорацияси тадбирлари ва тупроқни ҳимоя қилиш юзасидан бошқа тадбирлар ўтказиш;

- ер эгалари, ердан фойдаланувчилар ва ижарачиларнинг айби бўлмаган ҳолда бузилган ер участкаларини вақтинча консервация қилиш натижасида улардан келадиган даромаднинг камайишини давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қисман қоплаш;

Ерларни муҳофаза қилишнинг технологик тадбирлари ерларни муҳофаза қилиш жараёнида юқори унумдорликка эришиш имкониятини берадиган технологик жараёнларни таъминловчи усул ва услубларни ишлаб чиқиш ва уларни амалиётга тадбиқ қилиш чораларини ўз ичига олади. Бундайларга жумладан, тупроқ эрозиясига қарши тадбирлар, ерларни рекултивация қилиш, ерларни шўрланишига қарши тадбирлар киради.

Тупроқлар эрозиясига қарши қуйидаги тадбирлар амалга оширилиши зарур: ташкилий-хўжалик тадбирлари, агротехник тадбирлар, ўрмон мелиоратив тадбирлар ва гидротехник тадбирлар. Бундай тадбирларни белгиланган режа асосида амалга ошириш натижасида сув ҳамда шамол эрозиясига учраган ерларни муҳофаза қилиш мумкин бўлади.

Қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини оширишда ерларни мелиорация қилиш муҳим омиллардан биридир. Бунга асосан ўсимликлар учун керакли нам заҳирасини яратиш учун суғориш каналлари, сув омборлари қуриш, ёмғир ва қор сувларини ушлаб қолиш; яйловларни сув билан таъминлаш; тупроқни қайта шўрланишини олдини олиш учун зовур-дренажлар қуриш; алмашлаб экишни тўғри ташкил этиш; тупроқ шўрини ювиш; ерларни бегона ўтлардан ва тошлардан тозалаш; қумларни махкамлаш; паст-баланд ерларни текислаш ва бошқалар киради.

Карералар, кераксиз жинслар, саноат чиқиндилари ташланган ерларни зудлик билан рекултивация қилиш, яъни қайта ўзлаштириш зарур. Рекултивация техник ва биологик босқичдан иборат. Техник рекултивацияда бузилган ерлар текисланиб, ҳосилсиз грунт устига тупроқ

тўкилади, йўллар қурилади ва натижада биологик рекултивацияга тайёрланади. Биологик рекултивацияда техник рекултивация қилинган, лекин унумдорлиги пасайган тупроқларга ўғитлар солиниб, дарахтлар ва қишлоқ хўжалик экинлари экилиб, ҳосилдорлиги юқори тупроққа айлантирилади.

Ерлардан оқилона фойдаланиш тизими табиатни муҳофаза қилиш ва ресурсларни тежаш тарзида булиши ҳамда тупроқнинг сақланишини, ўсимлик ва хайвонот дунёсига, геология жинсларига ва атроф муҳитнинг бошқа таркибий қисмларига таъсир ўтказишни чеклашни назарда тутиши керак:

Бунинг учун ердан фойдаланувчилар қуйидагиларни бажаришлари зарур:

- ҳудудни оқилона ташкил этишлари;
- тупроқ унумдорлигини, шунингдек ернинг бошқа хоссаларини тиклашлари ва оширишлари;
- ерларни сув ва шамол эрозиясидан, селлардан, сув босишдан, захлашдан, қайта шўрланишдан, қақраб қолишдан, заранглашишдан, ишлаб чиқариш чиқиндилари, кимёвий ва радиоактив моддалар билан ифлосланишдан, хароб қиладиган бошқа жараёнлардан ҳимоя қилишлари;
- қишлоқ хўжалик ерларини бута ва майда дов-дарахтлар, ёввойи ўтлар босиб кетишидан ва ерларнинг маданий-техникавий ҳолатини ёмонлаштирувчи бошқа жараёнлардан ҳимоя қилишлари;
- ҳосилдан қолган қишлоқ хўжалик ерларидаги тупроқ унумдорлигини бошқа усуллар билан қайта тиклашнинг иложи бўлмаса, бундай ерларни консервация қилишлари;
- бузилган ерларни қайтадан экинзорларга айлантиришлари, уларнинг унумдорлиги ва бошқа фойдали хоссаларини оширишлари;

- ерларни структурасини бузиш билан боғлиқ бўлган ишларни амалга ошириш чоғида бу ерларнинг унумдор қатламини қирқиб олишлари ва уни сақлаб қолишлари.

Ерларни муҳофаза қилиш билан боғлиқ бўлган тадбир ўз ичига қишлоқ хўжалиги ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши билан боғлиқ бўлган объектлар, иморатлар ва иншоатларни жойлаштириш, лойиҳалаш, қуриш ва улардан фойдаланишга оид экологик талабларни ҳам олади.

Ерларнинг ҳолатига ишга туширилаётган объект ёки жорий этилаётган технологиянинг салбий таъсирини ҳамда ерлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш юзасидан назарда тутилган тадбирларнинг самарадорлигини баҳолаш экология экспертизаси асосида ўтказилади.

Ерларни ҳосилдан қолишдан ёки бузилишдан ҳимоя қилиш чоралари билан таъминланмаган ҳамда экология экспертизасининг ижобий хулосаси бўлмаган объектларни фойдаланишга топшириш ва бундай технологияларни қўллаш қонунда тақиқланади.

Кимёвий ёки радиактив моддалар билан ифлосланиш натижасида экология ва санитария-гигиенага оид белгиланган талабларга жавоб берадиган махсулот олишни таъминламаётган ер участкаларини қишлоқ хўжалик ишлаб чиқарилишида фойдаланишдан чиқариш ва консервация қилиш учун уларни заҳира ерлар жумласига ўтказиш мумкин. Бундай ерларда қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштириш ва реализация қилиш тақиқланади.

Ерларни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини амалга оширувчи давлат органлари ва мансабдор шахслар қуйидагиларни бажаришлари зарур:

- ер участкаларидан белгиланган мақсадда фойдаланилишини, ер эгалари, ердан фойдаланувчилар ва ижарачилар томонидан ерларни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун хужжатларига риоя этилишини белгиланган тартибда текширишлари;

- йўл қўйилаётган камчиликларни бартараф этиш ҳамда айбдор шахсларни жавобгарликка тортиш юзасидан ўз вақтида чора кўришлари;
- ерларни муҳофаза қилиш билан боғлиқ тадбирлар юзасидан ўз ваколатлари доирасида кўрсатмалар бериш.

Ер эгалари, ердан фойдаланувчилар ва ижарачиларнинг ўзларига бириктирилган ерларни муҳофаза қилиш борасидаги фаолияти назорат органлари томонидан текширилиши қонунда (Ер кодекси, 85-модда) бир йилда бир марта эканлиги белгилаб қўйилган. Агар назоратчи орган ерларни муҳофаза қилиш мажбуриятларини бажармаслик сабабларини бартараф қилиш бўйича кўрсатмалар берган бўлса, у белгиланган муддатда мазкур тадбирларни бажарилишини текширишга ҳақлидир.

## 1.3 ЕРДАН ФОЙДАЛАНИШДА ДАВЛАТ НАЗОРАТИ

Ер хусусидаги низолар ерларни эгалик қилиш ва фойдаланиш учун бериш, қайтариб олиш, чегараларни белгилаш, ерлардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш қоидаларини бузишдан келиб чиқади.

Ерларга эгалик қилиш ва фойдаланиш жараёнида ҳар хил ҳолатлар юзага келиши мумкин. Бунда ер муносабатлари субъектлари (жумладан давлат органлари)нинг харакатлари ёки уларнинг зарур бўлган харакатларни асоссиз бажармасликлари ер эгалари, ердан фойдаланувчилар ҳамда давлатнинг ҳуқуқларини бузилишига олиб келади.

Масалан, бир субъектга берилган ер участкасини иккинчи субъектнинг ўзбошимчалик билан эгаллаб олиши ва фойдаланиши; белгиланган муддатда ер участкасини қайтариб бермаслик ва хоказо. Шу ҳолатлар оқибатида юзага келган мунозаралар ер хусусидаги низолар деб аталади. Ер хусусидаги низолар ердан фойдаланувчилар ўртасида, улар билан давлат бошқарув органи ўртасида юзага келиши мумкин.

Шуни ҳисобга олиш керакки низолар ҳақикий (қачонки ҳақиқатдан ҳам ҳуқуқлар бузилган) ва хаёлий (қачон шахс ўз янглишиши оқибатида ҳуқуқлар бузилган деб ҳисобайди) бўлиши мумкин. Иккала ҳолатда ҳам

низоларни ҳал қилиш қуйидаги тартибда амалга оширилади: дастлаб низо қилувчиларнинг низоси мазмуни ва уларнинг ҳуқуқлари чегараси аниқланади, сўнгра уларнинг бир-бирига нисбатан мажбурий ҳисобланган харакатлари ўрнатилади. Агар ҳақиқатдан ҳам томонлардан бирининг ҳуқуқи бузилган бўлса низо уни тиклаш орқали ечилади, агар у хаёлий бўлса низо томонларга уларнинг ҳуқуқларини тушунтириш орқали ечилади.

Ер кодексининг 90-моддасига мувофиқ қуйидаги ҳолатларда ҳам айбдор шахслар жавобгар ҳисобанадилар:

- ерлардан белгиланган мақсадда фойдаланмаганликда;
- ер участкаларини ўзбошимчалик билан эгаллаб олганликда;
- қишлоқ хўжалиги ерларини ва бошқа ерларни яроқсиз холга келтирганликда, уларни кимёвий ва радиоактив моддалар, ишлаб чиқариш чикиндилари ва окава сувлар билан ифлослантирганликда;
- ерларнинг ҳолатига салбий таъсир кўрсатадиган объектларни жойлаштирганликда, қурганликда, лойиҳалаштирганликда, фойдаланишга топширганликда;
- ерлардан фойдаланишнинг табиатни муҳофаза қилишга оид талабларини бажармаганликда;
- ер эгалари, ердан фойдаланувчилар, ижарачиларга ва мулкдорларга қарашли ер участкаларининг марза белгиларини йўқ қилинганликда;
- давлат ер кадастри маълумотларини бузиб кўрсатганликда;
- ўзбошимчалик билан пичан ўрганликда ва чорва моллар боққанликда;
- ёввойи ўтлар ва заракунандаларга қарши кураш чораларини кўрмаганликда;
- ердан хўжасизларча фойдаланганликда, ерларнинг ҳолатини яхшилаш ҳамда тупроқни сув ва хаво эрозиясидан ва тупроқ ҳолатининг ёмонлашувига олиб келадиган бошқа жараёнлардан сақлаш мажбуриятларини бажармаганликда;

- ер участкалари бериш тўғрисидаги аризаларни кўриб чиқишнинг белгиланган муддатлари ва тартибини бузганликда.

Ер тўғрисидаги қонун хужжатларини бузганлик учун ҳуқуқий санкциялар қўлланилади. Улар ўз навбатида мазмунига кўра: ерга ҳуқуқий, жиноий, маъмурий, тартибга чақирувчи ва мулкий кўринишга бўлинади.

Ерга ҳуқуқий санкциялар ер участкасининг ҳуқуқий тақдири билан боғлиқ бўлади. Агар ер участкаси олди-сотдиси фуқаролар томонидан очиқ кўринишда амалга оширилса, ер участкаси қайтариб олинади. Қайтариб олиш тўғрисидаги тегишли давлат ҳокимият органи қарорида ер участкаси сотувини амалга оширган шахсдан (сотувчи) қайтариб олиниши кераклиги кўрсатилади, амалда эса у сотиб олган шахсдан (харидордан) тортиб олинади.

Агар олди-сотди ташкилотлар ўртасида амалга оширилган бўлса, ер участкаси сотувчига қайтарилади. Агар ташкилот ер участкасини фуқародан сотиб олган бўлса, у харидорда қолдирилади ёки у тортиб олиниб бошқа фойдаланувчига берилади. Қонунга асосан гаровга қўйилган, хадя қилинган ер участкалари ҳам агар томонлардан бири ташкилот бўлмаса давлат ҳисобига тортиб олинади.

Ер участкалари ўзбошимчалик билан эгаллаб олинганда уни ким эгаллаб олишидан қатъий назар қайтариб олинади. Жиноий жавобгарлик деганда қонун хужжатларини бузган шахсларга нисбатан суд томонидан тегишли жазони қўллаш тушунилади. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига асосан (229-модда) ер участкаларини ўзбошимчалик билан эгаллаб олиш ёки айрибошлаш, олди-сотдини амалга ошириш ёки бошқа қонунни бузувчи харакатлар учун маълум муддатга (1-3 йил) ахлоқ тузатиш ишлари ёки жарима тўлаш (энг кам иш ҳақининг 50-100 баравари миқдорида), 6 ойгача камоқ ёки 8 ойгача озодликдан махрум қилиш билан жазоланадилар, юридик шахслар эса ўз вазифаларидан четлаштири-ладилар.

Худди шундай қонунбузарликлар агарда тегишли маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такроран содир этилса у ҳолда фуқароларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса – уч бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солинади.

Чегара ва марза белгиларини йўқ қилиш ёки шикастлантириш (69-модда):

- эгаликдаги ёки фойдаланишдаги ерларнинг чегара белгиларини йўқ қилиш ёки шикастлантириш.

Ушбу қонунбузарликни содир этиш 69-модда бўйича фуқароларга энг кам иш хақининг бир бараваридан уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса – уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри Давлат қўмитаси, органлари номидан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ва жарима солиш тариқасида қуйидаги ҳуқуқга эгадир:

- Ўзбекистон Республикаси ердан фойдаланиш ва уни муҳофазалаш устидан назорат қилиш бўйича Давлат бош инспектори ва унинг ўринбосарлари – фуқароларга энг кам иш ҳақининг уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса – етти бараваригача;
- Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва туманларнинг ердан фойдаланиш ва уни муҳофазалаш устидан назорат қилиш бўйича давлат инспекторлари фуқароларга энг кам иш ҳақининг икки бараваригача, мансабдор шахсларга эса – беш бараваригача миқдорда жарима солишга ҳақлидир.

Ер тўғрисидаги қонун хужжатлари юридик шахслар ёки корхона, ташкилот ва муассасаларнинг ходимлари томонидан бузилса ва шу билан

бир вақтда мехнат интизоми ҳам бузилган деб ҳисобланса уларга нисбатан тартибга чақирувчи жавобгарлик санкциялари қўлланилади.
Қонунда мулкий жавобгарликнинг икки хил кўриниши кўзда тутилган: чегараланган ва тўлиқ.

Чегараланган мулкий жавобгарликда келтирилган зарарни қоплаш учун оддий ишчилар ёки ходимлардан иш ҳақининг маълум бир фоизи ушлаб қолинади, юридик шахслардан эса жарима ойлик иш ҳақининг бир неча бараварига тенг бўлади. Мисол учун МЖК нинг 60-моддасига асосан мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг уч бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солинади.

Тўлиқ мулкий жавобгарлик, асосан корхона билан индивидуал шартнома тузган ходимларга нисбатан қўлланилади. Агар келтирилган зарар қонунбузарнинг ойлик иш ҳақининг учдан бир қисмидан ошмаса маъмурият қарорига кўра ойлик иш ҳақидан ушлаб қолиш орқали қопланади. Агар келтирилган зарар амалда кўп бўлса маъмурият талаби бўйича иш судда кўриб чиқилади.

**1-боб бўйича хулоса.**

1. Ерларни муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий тадбирлари ўз ичига – ерларни муҳофаза қилишга доир ҳуқуқий нормаларни ишлаб чиқиш, қабул қилиш ва амалиётда тадбиқ қилиш чораларини олади. Ўзбекистон мустақилликга эришгандан буён ўтган даврда қабул қилинган 40 дан зиёд қонунлар ва 500 га яқин меъёрий хужжатларда ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилиш меъёрлари белгилаб берилган.
2. Ерларни муҳофаза қилишнинг ташкилий тадбирлари – ер майдон-ларини муҳофаза қилишга доир маълум бир ташкилий чораларни асослаб беришни ва уни амалиётга тадбиқ қилишни ўз ичига олади. Ерларни муҳофаза қилишнинг иқтисодий тадбирлари – ерларни муҳофаза қилишга йўналтирилган чора ва тадбирларни амалга оширишдан манфаатдорликни таъминлашни ташкил этишни ўз ичига олади.

# 2-БОБ. Тошкент вилояти Ўрта Чирчиқ туманининг таъбий шароити

## 2.1 Тошкент вилояти ва Ўрта Чирчиқ туманининг табиий иқтисодий шароитлари

Тошкент вилояти ғарбий Тяншаннинг тоғ олди ва тог қисмларини эгаллагани холда Узбекистон Республикасининг шимолий шарқ қисмида жойлашган. Вилоят худуди шимолдан ва шимолий ғарбдан Қозоғистон Республикасининг ерлари билан, шарқдан ва жанубий шарқдан Қирғизистон Республикаси ва Наманган вилоятининг ерлари билан, жанубдан Тожикистон Республикасининг ва ғарбдан Сирдарё вилоятининг ерлари билан чегаралашган.

Юқорида келтирилган табиий шароитга берилган тавсифдан кўринадики, Тошкент вилояти турли минтақаларга бўлинган. Шунга мос холда бу ерда халқ хўжалигининг турли тармоқлари фаолият кўрсатади.

Шуни алохида эътироф этиш жоизки, вилоятда саноат, транспорт, қишлок хўжалиги каби тармоклар анча ривожланган. Бугунги кунда вилоятда 15 та кишлок хўжалиги тумани ва 6 та шахар мавжуд (Тошкент шахри кирмайди). Тошкент вилояти ер ресурслари бошқармасининг берган маълумотларига қараганда, 2003 йил 01 январ холатига вилоятнинг умумий ер майдони 1526117 гани ташкил этади. Ушбу ер майдонининг турли ер тоифалари бўйича таксимланиши тугрисидаги маълумотлар куйидаги жадвалда келтирилади (2.1-жадвал).

(2.1 -жадвал)

| Т.Р | Ер тоифалари | Майдони | |
|---|---|---|---|
| | | га | % |
| 1 | қишлок хужалик ерлари | 799226 | 52,4 |
| 2 | ахоли пунктларининг ерлари | 40283 | 2,6 |
| 3 | Саноат, транспорт, алоқа, мудофаа ва | 70375 | 4,6 |

| | | | |
|---|---|---|---|
| | бошқа мақсадлар учун мўлжалланган ерлар | | |
| 4 | табиятни мухофаза қилиш, соғломлаштириш, тарихий-маданий мАқсадлардаги ерлар | 427 | - |
| 5 | ўрмон фонди ерлари | 578048 | 37,9 |
| 6 | сув фонди ерлари | 16214 | 1,1 |
| 7 | захира ерлар | 21544 | 1,4 |
| жами ерлар | | 1526117 | 100 |

2.1 -жадвалдаги маълумотлардан кўринадики вилоят умумий ер фондининг 52,4 %ни қишлок хўжалик ерлари, 37,9 %ни ўрмон фонди ерлари ташкил қилади. Булардан кўринадики вилоятда қишлок хужалиги ва ўрмон хўжалиги мухим ўрин тутади.

2012 йил холати бўйича вилоятда 648 та турли қишлоқ хўжалиги корхоналари фаолият курсатаётган бўлиб шундан 232 таси ширкат хўжаликлари бўлади. Қуйидаги жадвалда (2.2-жадвал) вилоятдаги барча турдаги қишлоқ хўжалиги корхоналари эгалигидаги ер майдонларининг асосий ер турлари бўйича таксимланиши тўғрисидаги маълумотлар келтирилади.

(2.2-жадвал)

Барча турдаги қишлоқ хўжалиги корхоналари ерларини ер турлари бўйича тақсимланиши

| Т.р | Ер турлари | Майдони | |
|---|---|---|---|
| | | га | % |
| 1 | Экин ерлари | 333802 | 41,8 |
| 2 | Кўп йиллик дарахтзорлар | 36470 | 4,5 |
| 3 | Бўз ерлар | 725 | 0,1 |

| | | | |
|---|---|---|---|
| 4 | Пичанзорлар | 7130 | 0,9 |
| 5 | Яйловлар | 193122 | 24,2 |
| Жами қишлок хўж. ерлари | | 571249 | 71,5 |
| 6 | Томорқа ерлари | 46848 | 5,8 |
| 7 | Боғдорчилик ва узумчилик уюшмаси | 405 | - |
| 8 | Мелиоратив тайёргарлик ерлари | 1530 | 0,2 |
| 9 | Жами ўрмонлар | 8292 | 1,0 |
| 10 | Бутазорлар | 2110 | 0,3 |
| 11 | Жами фойдаланилмайдиган ерлар | 169170 | 21,2 |
| Умумий майдон | | 799226 | 100 |

Хақикатдан хам шуни эътироф этиш жоизки вилоят иқтисодиётида қишлок хўжалиги мухим ўрин тутади. Олинган расмий маълумотларга қараганда, етиштирилаётган қишлоқ хўжалиги махсулотлари вилоят янги махсулот микдорининг 60,0 %ни ташкил қилади. Шу сабабли хам қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга жумладан сугориладиган ерлардаги қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга алохида эътибор берилади.

2.2-жадвалда кўринадики жами қишлоқ хўжалик ер турлари умумий майдоннинг 71,5 %ни ташкил этади. Бу ер турларининг асосини экин ерлари ва яйловлар ташкил этади. Албатда 0,3 % миқдорда бўлсада (725,0 га) буз ерларнинг вилоят кишлок хўжалик корхоналари ерларида булиши мақсадга мувофик эмас. Бундай ерларни тезлик билан қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига тортиш зарур.

Юқорида қайд килинганидай, вилоятда бугунги кунда 15 кишлок туманлари мавжуд. Ушбу туманлар бўйича вилоят ер майдонини асосий ер турларига қараб тақсимланиши тўғрисидаги маълумотлар куйидаги жадвалда келтирилади (2.3-жадвал).

(2.3 -жадвал)

Вилоят ер майдонини туман ва шахарлар бўйича тақсимланиши

| Т. р | Туманлар | Умумий майдон | Шу жумладан (га) | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | Экин ер | Кўп йиллик дарахт | Бўз ерлар | Яйлов ва пичанзорлар |
| 1 | Оққўрғон | 44816 | 26079 | 613 | - | 4190 |
| 2 | Охангорон | 317710 | 30583 | 2301 | - | 141704 |
| 3 | Бекобод | 75558 | 39470 | 1155 | 292 | 8128 |
| 4 | Бўстонлиқ | 493435 | 13261 | 6351 | - | 190670 |
| 5 | Бўка | 62237 | 34905 | 1126 | 130 | 8539 |
| 6 | Қуйичирчиқ | 55952 | 34922 | 1926 | 116 | 276 |
| 7 | Зангиота | 22665 | 8142 | 1812 | - | 581 |
| 8 | Юқоричирчиқ | 43398 | 23946 | 1070 | 20 | 5252 |
| 9 | Қибрай | 5552 | 13897 | 3911 | - | 257 |
| 10 | Паркент | 107239 | 14098 | 8369 | 124 | 38630 |
| 11 | Пскент | 70288 | 21225 | 1077 | - | 19634 |
| 12 | Ўртачирчиқ | 51919 | 29732 | 840 | - | 1798 |
| 13 | Тошкент | 16707 | 6467 | 2334 | - | 265 |
| 14 | Чиноз | 34011 | 18363 | 1188 | 4 | 1972 |
| 15 | Янгийўл | 42345 | 19940 | 3856 | 80 | 1118 |
| 16 | Олмалиқ ш. | 10790 | | | | |
| 17 | Ангрен ш. | 14502 | | | | |
| 18 | Охангорон ш. | 1007 | | | | |
| 19 | Бекобод ш. | 2576 | 199 | | | |
| 20 | Чирчиқ ш. | 2607 | | | | |
| 21 | Янгийўл ш. | 803 | | | | |
| ЖАМИ | | 1526117 | 335229 | 37929 | 766 | 424085 |

2.3 -жадвалдаги маълумотлардан кўринадики Бўстонлиқ, Охангорон ва Паркент туманлари ер майдонлари бўйича вилоятдаги энг йирик туманлар хисобланади. Яйлов ерларнинг энг катта майдонлари хам ушбу туманларда жамланган. Экин ерларнинг энг катта майдонлари Бўқа, Қуйичирчиқ ва Бекобод туманларида жамланган, кўп йиллик дарахтзорларнинг катта майдонлари нисбатан Бўстонлиқ, Паркент ва Қибрай туманларига туғри келади. Тумандаги жами экин ерларининг 89,5 %ни суғориладиган экин ерлари ташкил қилади.

Юқорида қайд қилинганидай, вилоят иқтисодиётида қишлоқ хўжалигининг ўрни каттадир. Вилоят қишлоқ хўжалигида пахтачилик, ғаллачилик, боғдорчилик ва узумчилик, сабзавот ва картошка етиштириш, сут, гушт чорвачилиги хамда пилла етиштириш мухим ўрин тутади. Бунда асосан йирик шахарлар атрофида сабзавот, картошка ва мева етиштиришга ихтисослашган, тог олди ва тоғ минтакаларида мева, узум ва дон етиштиришга ихтисослашган, текислик минтакаларида эса пахта, ғалла ва каноп етиштиришга ихтисослашган хужаликлар фаолият кўрсатадилар. Юқоридаги барча типдаги хўжаликларда ўзларининг ижтимоий-иқтисодий шароитларидан келиб чиқган холда чорвачилик ва пиллачилик қисман ривожланган.

(2.4-жадвал)

Барча тоифадаги хўжаликларда етиштирилган қишлоқ хўжалиги махсулотлари (2012 йилда)

| Экин тури | Экин майдони (га) | Хосилдорлик ц.га | Ялпи хосил тонна |
|---|---|---|---|
| Жами экин майдони | 347052 | | |
| Донли экинлар | 157792 | 35,4 | 565159 |
| Шундан бўғдой | 133096 | 35,8 | 483825 |
| Шоли | 11222 | 37,9 | 40672 |
| Мака дон учун | 8624 | 38,1 | 32264 |

| | | | |
|---|---|---|---|
| Пахта | 108142 | 19,5 | 209865 |
| Каноп | 214 | 73,7 | 1444 |
| Картошка | 6904 | 168,8 | 140235 |
| Сабзавотлар | 27595 | 220,1 | 669776 |
| Полиз экинлар | 3719 | 175,5 | 64018 |
| Ем хашак экинлари | 36917 | | |
| Ш.ж Мака силосга | 10701 | 235,5 | 298106 |
| Полиз экинлари | 848 | 315,1 | 26026 |
| 1 йиллик утлар | 4449 | | |
| Ўтган йилдаги кўп йиллик утлар | 15759 | | |
| Мевалар | 18562 | 32,2 | 59690 |
| Узум | 11710 | 23,9 | 28003 |

Вилоят қишлоқ хўжалигига тавсиф берар эканмиз 2011 йилда барча тоифадаги қишлоқ хўжалик корхоналари ерларида етиштирилган махсулотлар туғрисидаги маълумотларни тахлил қилиш максадга мувофикдир (2.4 -жадвал).

2.4-жадвалдаги маълумотлардан кўринадики, жами экин майдонининг 31,2 %ни пахта, 45,5 %ни турли дон экинлар, 11,0 %ни картошка, сабзавот ва полиз экинлари ташкил қилади. Шу қайд қилиш зарурки, асосий қишлоқ хўжалик экинларининг хосилдорлиги анча паст, масалан, пахтанинг хосилдорлиги вилоят бўйича 2011 йилда 19,5 ц,гани, бугдойники 35,8 ц,гани, шолиники 37,9 ц,гани, мевазорларники 32,2 ц,гани ва узумзорларники бор йуғи 23,9 ц,гани ташкил килган халос. Бу кўрсаткичлар хозирги кунда хам вилоятнинг қишлоқ хўжалик ерларидан фойдаланиш даражаси анча паст эканлигидан далолат беради. Бу суғориладиган ерлардан фойдаланиш натижалари хам тасдиқлайди, негаки пахта, шоли, маккажўхори, картошка, сабзавот экинлари каби асосий кишлок хўжалик экинлари асосан суғориладиган майдонларда етиштирилади.

Келтирилган маълумотлардан кўринадики, хақиқатдан хам суғориладиган майдонлардан олинган хосилдорликлар асосий экинлар бўйича анча паст эканлигини англаш мумкин. Вилоят туманлари бўйича сугориладиган майдонлардаги экин ерларнинг асосий экинлар бўйича таксимланиши тўгрисидаги маълумотлар куйидаги жадвалда келтирилган 2.5 -жадвал.

Қуйидаги маълумотлардан кўринадики, узларининг жойлашган ўрнига қараб туманлардаги экин майдонлари турли қишлоқ хўжалик экинлари бўйича тақсимланган. Масалан, вилоятнинг нисбатан текислик минтакаларида жойлашган туманлар асосан техник экинлар ва дон экинлари етиштиришга ихтисослаштирилган. Бу туманларда сабзавот, картошка ва полиз экинлари нисбатан кам майдонларни эгаллаган. Аксинча, вилоятнинг тог олди ва тог минтакаларида жойлашган Охангорон, Бўстонлиқ, Паркент, Зангиота, Қибрай ва Тошкент туманларида техник экинлар умуман экилмайди ёки жуда кам майдонларни ташкил қилади. Бу туманлар асосан дон экинлари, картошка, сабзавот, мева ва полиз экинларини етиштиришга ихтисослашган.

(2.5 -жадвал)

Вилоят туманларидаги қишлоқ хўжалик корхоналарида ва фермер хўжаликларида суғориладиган экин майдонларининг экинлар бўйича тақсимланиши

| Туманлар | Жами экин майдони | Шу жумладан | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | Донли экинлар | Техник экинлар | Картошка сабзавот ва полиз | Озука экинлар |
| Оққўрғон | 25867 | 8744 | 15253 | 687 | 1183 |
| Охангорон | 16938 | 9221 | 1917 | 1508 | 4292 |
| Бекобод | 36735 | 17836 | 17160 | 430 | 1309 |
| Бустонлиқ | 5699 | 2918 | 35 | 1469 | 1277 |
| Бўка | 33178 | 14928 | 16080 | 763 | 1407 |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| Зангиота | 7270 | 3279 | 98 | 984 | 2909 |
| қибрай | 10046 | 4205 | 328 | 1996 | 3517 |
| қуйичирчик | 34389 | 15900 | 14641 | 485 | 3363 |
| Паркент | 5576 | 2315 | 71 | 1005 | 2185 |
| Пскент | 20459 | 8389 | 10929 | 928 | 213 |
| Тошкент | 6262 | 2773 | - | 1497 | 1992 |
| Уртачирчиқ | 28653 | 12617 | 14388 | 603 | 890 |
| Чиноз | 17468 | 7309 | 7631 | 1638 | 1443 |
| Юкоричирчиқ | 21257 | 12711 | 6339 | 764 | 1045 |
| Янгийўл | 19179 | 8120 | 7620 | 1602 | 1837 |
| Жами | 289095 | 131379 | 112490 | 16361 | 28865 |

Қишлоқ хўжалигида олиб борилаётган иқтисодий ислохотлар турли мулкчилик ва хўжалик юритиш шаклларини ривожлантириш, иқтисодиётни ривожлантиришни кўзда тутди. Узбекистон Республикаси “Ер кодекси”да ердан замонавий шаклда фойдаланиш билан бир қаторда ердан фойдаланишни хусусий шаклини ривожлантириш хам қайд этилган, ер майдонларига бўлган хуқуқ турлари хам бир мунча кенгайтирилган. 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган “Фермер хўжалиги туғрисида”ги Узбекистон Республикаси қонуни бунга туртки бўлди. Ушбу конунда фермер хўжаликларини ташкил этиш, уларнинг фаолиятини қайта ташкил этилиши ва тугатилишининг хуқуқий асосларини хуқуқ ва мажбуриятларини белгилайди. Шу қонунга асосан секин асталик билан ширкат хўжаликлари худудларида фермер хўжаликлари ташкил қилина бошлади.

Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш, қишлоқда ишлаб чиқариш муносабатларини такомиллаштириш, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини бошқаришнинг бозор тамоилларига мос келадиган ташкилий-тузилмасини тадбиқ этиш, қишлоқ хўжалик махсулотлари ишлаб чикарувчиларнинг мустакиллигини кенгайтириш,

жоида уларнинг ишларида хуқуқий мухофазасини таъминлаш максадида Узбекистон Республикаси Президентининг фармони юзага келди.

( 2.6 -жадвал)

Вилоятдаги фермер хўжаликларида, суғориладиган ерларда қишлоқ хўжалиги махсулотлари экин майдони, ялпи хосили ва хосилдорлиги туғрисида

| Экин тури | Экин майдони | Ялпи хосил тонна | Хосилдорлик ц,га |
|---|---|---|---|
| Жами экин майдони | 75102 | | |
| Донли экинлар жами | 33659 | 146439 | 42,9 |
| Шундан бошоғли дон | 28627 | 129116 | 44,3 |
| Буғдой | 28398 | 128521 | 44,5 |
| Шоли | 2245 | 8211 | 37 |
| Мака дон учун | 2488 | 8716 | 35,7 |
| Техник экинлар | 23863 | | |
| Шундан пахта | 22012 | 47662 | 21,7 |
| Каноп | 27 | 270 | 100 |
| Картошка, сабзавот ва полиз | 6895 | | |
| Шу жумладан картошка | 717 | 11886 | 132,0 |
| Сабзавот | 4076 | 90368 | 207,2 |
| Полиз | 2089 | 35337 | 170,8 |
| Ем хашак экинлари | 10685 | | |
| Шу жум. Хашаки илдизли мевалар (хаш. лавлаги), полиз | 227 | 6926 | 305,1 |
| Мака силос учун ва кўк озуқа | 3868 | 106653 | 260,7 |

2.6-жадвалдаги маълумотларни бошқа тоифадаги хўжаликларнинг кўрсаткичларига нисбатан тахлил килсак шуни кўрамизки, фермер хўжаликлари Республикамиздаги асосий экинлардан хисобланган пахта ва галла экинларидан оз булсада лекин бошка тоифадаги хўжаликларга нисбатан юкорирок фарк билан хосил олаётганлиги аниқлаймиз.

( 2.7-жадвал)

Фермер хўжаликларида экилган жами

майдонлар туғрисида.

| Т.р | Туманлар номи | Барча тоифадаги ерларда | Шу жумладан сугориладиган ерларда |
|---|---|---|---|
| 1 | Оққўрғон | 7816 | 7816 |
| 2 | Охангорон | 7102 | 5320 |
| 3 | Бекобод | 5891 | 5891 |
| 4 | Бўстонлиқ | 1567 | 852 |
| 5 | Бўка | 8010 | 7786 |
| 6 | Зангиота | 1370 | 1332 |
| 7 | Қибрай | 1764 | 1764 |
| 8 | Қуйичирчиқ | 5888 | 5888 |
| 9 | Паркент | 2788 | 1523 |
| 10 | Пскент | 5877 | 5767 |
| 11 | Тошкент | 663 | 663 |
| 12 | Уртачирчиқ | 9697 | 9233 |
| 13 | Чиноз | 7223 | 7223 |
| 14 | Юкоричирчиқ | 11562 | 10562 |
| 15 | Янгийўл | 3363 | 3363 |
| Жами | | 80700 | 75102 |

2.7-жадвалдаги маълуммотда фермер хўжаликларининг жами майдони кўрсатилган.

Узбекистон Республикасининг “Ер кодекси” ва “Фермер хўжалиги тўгрисида”ги қонунларга асосан янги ташкил этилаётган фермер хўжаликларига ер майдонларини ажратишда ихтисосликларига (йўналишига) қараб белгиланган яъни пахтачилик ва галлачилик йўналиши

учун камида 10,0 гектар ва дехқончилик махсулотларини етиштириш учун камида 1,0 гектар ер майдони ажратилиши кўрсатилган. Қонун билан белгилаб қўйилганига карамасдан, жойларда 3-4 гектар ер майдонларини пахтачилик ва галлачилик йўналишлари учун ажратиб бериш холлари ханузгача учраб келмоқда. Мисол қилиб келтирадиган бўлсак биргина вилоятнинг Пскент туманида пахтачилик ва галлачилик йўналишида ажратилган фермер хужаликларининг 50 %дан кўпрогида ер майдонлари 5-8 гектардан ошмайди.

(2.8-жадвал)

Фермер хўжаликларида, қишлоқ хўжалик экин майдонлари тўғрисида

| Туманлар | Жами экин майдони | Барча тоифадаги ерларда | | | | Ш.ж сувли ерларда | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | Дон экинлари | Техник экинлар | Картошка, сабзавот ва полиз | Ем хашак экинлар | Жами экин майдони | Дон экинлари | Техник экинлар | Картошка сабзавот ва полиз | ем хашак экинлар |
| Оққўрғон | 7816 | 3023 | 4026 | 421 | 346 | 7816 | 3023 | 4026 | 421 | 346 |
| Охангорон | 7102 | 4141 | 647 | 609 | 1705 | 5320 | 3182 | 479 | 609 | 1055 |
| Бекобод | 5891 | 3207 | 2246 | 108 | 330 | 5891 | 3207 | 2246 | 108 | 330 |
| Бўстонлиқ | 1567 | 946 | 30 | 147 | 444 | 852 | 336 | | 147 | 396 |
| Бўка | 8010 | 3075 | 3607 | 434 | 894 | 7786 | 2856 | 3602 | 434 | 894 |
| Зангиота | 1370 | 425 | 4 | 298 | 643 | 1332 | 399 | 4 | 298 | 643 |
| қибрай | 1764 | 303 | 22 | 450 | 989 | 1764 | 303 | 22 | 450 | 989 |
| қуйичирчиқ | 5888 | 2274 | 2457 | 178 | 979 | 5888 | 2274 | 2457 | 178 | 979 |
| Паркент | 2788 | 1450 | 32 | 377 | 929 | 1523 | 564 | 10 | 377 | 546 |
| Пскент | 5877 | 3074 | 2071 | 623 | 109 | 5767 | 2964 | 2071 | 623 | 109 |
| Тошкент | 663 | 151 | | 81 | 431 | 663 | 151 | | 81 | 431 |
| Уртачирчиқ | 9697 | 4682 | 4035 | 229 | 751 | 9233 | 4258 | 4035 | 229 | 751 |
| Чиноз | 7223 | 2655 | 2605 | 1358 | 605 | 7233 | 2655 | 2605 | 1358 | 605 |
| Юкоричирчиқ | 11562 | 7813 | 1956 | 644 | 1149 | 10562 | 6813 | 1956 | 644 | 1149 |
| Янгийўл | 3363 | 560 | 350 | 936 | 1517 | 3363 | 560 | 350 | 936 | 1517 |
| Жами | 80700 | 37893 | 24088 | 6895 | 11824 | 75102 | 33659 | 23863 | 6895 | 1068 |

Юқоридаги жадвалдан кўриниб турибдики вилоятдаги фермер хўжаликлар вилоятнинг жами қишлоқ хўжалиги экин майдонининг 30 %га

якин майдонни эгаллаган холда асосий экинлар бўлиб хисобланган пахта ва галланинг 20 %ни етиштириб беради.

(2.9-жадвал)

Техник экинлар – фермер хўжаликларида

| Туманлар | Жами майдон | Ш.ж пахта | | |
|---|---|---|---|---|
| | | Экин майдони | Ялпи хосил | Хосилдорлик ц,га |
| Оққўрғон | 4026 | 3914 | 9492 | 24,3 |
| Охангорон | 647 | | | |
| Бекобод | 2246 | 2157 | 4862 | 22,5 |
| Бўстонлиқ | 30 | | | |
| Бўка | 3607 | 3362 | 6108 | 18,2 |
| Зангиота | 4 | | | |
| қибрай | 22 | | | |
| қуйичирчиқ | 2457 | 2260 | 5658 | 25,0 |
| Паркент | 32 | | | |
| Пскент | 2071 | 1482 | 3190 | 21,5 |
| Тошкент | | | | |
| Уртачирчиқ | 4035 | 4006 | 8414 | 21,0 |
| Чиноз | 2605 | 2543 | 5727 | 22,5 |
| Юкоричирчиқ | 1956 | 1917 | 3541 | 18,5 |
| Янгийўл | 350 | 286 | 670 | 23,4 |
| Жами | 24088 | 22012 | 47662 | 21,7 |

2.9 -жадвалдаги маълумотлардан шуни тахлил килиш мумкинки Бўка, Пскент, Ўртачирчик ва Юқоричирчиқ туманларида пахтадан олинаётган хосилнинг пастлигига асосий сабаблардан бири юқорида 2.9-жадвалда тақидлаб утилганидек ушбу туманлардахам жами пахтачилик махсулотларини етиштиришга ихтисослаштирилган фермер

хўжаликларининг 30 %дан кўпроги ер майдонлари 3-8 гектардан ошмайди. Бу эса кўп холларда майда бўлиб хисобланган 3-8 гектарлик фермер хўжаликларининг пахта экинига ишлов берадиган кишлок хўжалиги техникалари тўлиқ бўлмаганлиги ва фермерларга хизмат қиладиган машина трактор паркларидаги техникалар хам етарли булмаганлиги борлари эса йирик фермер хужаликларининг далаларида ишлаши сабабли агротехника қойдалари ўз вақтида бажарилмаслиги натижасида хосилдорликни пасаишига олиб келади.

(2.10-жадвал)

Картошка ва полиз экинлари

| Туманлар | Картошка, сабзавот ва полиз | Шу жумладан картошка | | |
|---|---|---|---|---|
| | | Экин майдони | Ялпи хосилдорлик | Хосилдорлик ц,га |
| Оққўрғон | 421 | 22 | 266 | 121,1 |
| Охангорон | 609 | 80 | 1005 | 125,7 |
| Бекобод | 108 | 5 | 65 | 130,0 |
| Бўстонлиқ | 147 | 10 | 144 | 120,0 |
| Бўка | 434 | 6 | 48 | 80,0 |
| Зангиота | 298 | 103 | 1678 | 124,2 |
| қибрай | 450 | 138 | 2798 | 132,0 |
| қуйичирчиқ | 178 | 7 | 108 | 154,3 |
| Паркент | 377 | 107 | 1423 | 133,3 |
| Пскент | 623 | 20 | 310 | 155,0 |
| Тошкент | 81 | 18 | 616 | 148,0 |
| Уртачирчиқ | 229 | 26 | 312 | 120,0 |
| Чиноз | 1358 | 34 | 605 | 177,8 |
| Юкоричирчиқ | 644 | 130 | 2338 | 127,0 |
| Янгийўл | 936 | 10 | 170 | 170,0 |
| **Жами** | **6895** | **717** | **11886** | **132** |

Юқоридаги маълумотларни ўрганиб чиқиб шуни куриш мумкинки фермер хўжаликлари томонидан етиштирилаётган картошка, полиз ва сабзавот махсулотлари вилоятда етиштирилаётган жами махсулотнинг 35 %ни ташкил этади.

(2.11-жадвал)

Мевалар – фермер хўжаликларида

| Туманлар | Экин майдони | Ялпи хосили | Хосилдорлик ц,а |
|---|---|---|---|
| Оққўрғон | 28 | 182 | 65,0 |
| Охангорон | 28 | 21 | 7,5 |
| Бекобод | 106 | 435 | 41,0 |
| Бўстонлиқ | 102 | 265 | 26,0 |
| Бўка | 177 | 39 | 2,2 |
| Зангиота | 107 | 464 | 43,4 |
| қибрай | 56 | 295 | 52,7 |
| қуйичирчиқ | 3 | 25 | 83,3 |
| Паркент | 237 | 360 | 15,2 |
| Пскент | 20 | 50 | 25,0дв |
| Тошкент | 2 | 15 | 75,0 |
| Уртачирчиқ | 77 | 92 | 11,9 |
| Чиноз | 98 | 441 | 45,0 |
| Юкоричирчиқ | 458 | 1969 | 43,0 |
| Янгийўл | 497 | 1466 | 29,5 |
| **Жами** | 1996 | 6119 | 30,6 |

Ушбу жадвалда фермер хўжаликларида етиштирилаётган мевани майдони ва хосилдорлиги тўғрисида маълумот берилган. Бир неча йиллардан буён йилнинг қиш фасли совуқ келиши хамда бахор ойининг апрел-май ойларида куннинг совуқ келиши ва дўл ёғиши окибатида боғлардаги кучатларни совуқ уриб кетиши ва гуллаган кучатларни ёғиб ўтган дўл тўкиб юбориши натижасида боғларнинг хосилдорлиги пасаиб кетган.

Бундан ташкари вилоятда бир йилда ўртача 700-900 гектар кўп йиллик дарахтзорлар бузилса, уларнинг ўрнига бор йўги 400-500 гектарига янги дарахтзорлар барпо этилмокда қолган 300-400 гектар бузилган майдон қисқариб очиқ ерлар тоифасига утазилмоқда. Бу рақамлар шуни кўрсатадики вилоятда бир йилда ўртача 300-400 гектар кўп йиллик дарахтзорлар қисқариб бормоқда. Қисқараётган боғларнинг 30-40 фоизи фермер хўжаликларига тўғри келмоқда.

**ЎРТА ЧИРЧИҚ ТУМАНИ** - Тошкент вилоятидаги туман. Ҳудудининг кўп қисми Чирчик, дарёси билан Тошкент канали оралиғида жойлашган. 1926 йил 29 сентябрда ташкил этилган. Шимоли-шарқда Юқори Чирчиқ, шарқда Охангарон туманлари, шимолда Тошкент и.т., Заигиота тумани, ғарбда Қуйи Чирчиқ, жанубда Оққурғон ва Пискент туманлари билан чегарадош. Майдони 0,51 минг км$^2$. Ахолиси 163,4 минг киши (2012). Туманда 1 шаҳар (Тўйтепа), 2 шаҳарча (Туябуғиз, Янгиҳаёт), 13 қишлоқ; фуқаролари йиғини (Анҳор, Дўстлик, Истиқлол, Навоий. Охунбобоев, Оцота, Уйғшун, Пахтакор, Пахтаобод, Янгитурмуш, Ўртасарой, Қорасув) бор. Туман маркази Тўйтепа шахри.

Т а б и а т и. Туман худуди Чирчиқ дарёсининг чап соҳилидаги текисликда жойлашган. Иқлими континентал. Қиши совук, ёзи иссиқ. Январнинг ўртача температураси О—4°, энг паст температура

Туябўғиз сув омбори ("Тошкент ли)и lun») соҳилидаги дам олиш зонаси. - 19% -20°. Июлники 28-30% энг юқори т-ра 41—42". Ўртача йиллик ёғин 450—460 мм. Вегетация даври 300 кун. Туман худудидан Полвонов номидаги Тошкент, Корасув каналлари, шимоли ғарбидан Чирчиқ дарёси оқиб ўтади. Бир нсча коллектор бор. Туман жанубда Туябўғиз сув омбори («Тошкент деигизи») жойлашган. Тупроқтари бўз тупрок.. Ёввойи ўсимликлардан тура, қамиш, юлгун ва бошқалар ўсади. Хайвонлардан чиябўри, тулки, юмронқозиқ, сувилонлар учрайди.

А ҳ о л и с и, асосан, ўзбеклар. шунингдек, қозоқ, татар, рус, корейс ва бошқа миллат вакиллари хам яшайди. Аҳолининг ўртача зичлиги I км$^2$ га 320,3 киши (2012). Шаҳар ахолиси 38,7 минг киши, қишлоқ аҳолиси 124,7 минг киши.

Х ў ж а л и г и. Туманда йирик, ўрта бизнес, 125 кичик корхона ва 1143 микрофирмалар фаолият кўрсатади. Ўзбекистон — Корея «Қабул — Тўйте-па ЛТД» ип йигирув — тўқув (к. Лй-*бул текстайлз»),* Узбекистон — Германия «Хакипет», «Хусайн Мирзо», Қўшма корхоналари ишлаб турибди. Ишлаб чиқариш бирлашмалари, металл-конструкциялари, темир-бетон, асфальт-бетон, 2 пахта тозалаш завод, МТП, тикувчилик фабрикаси, дон қабул қилиш корхонаси бор. 13 та массив, ўқув тажриба корхонаси фаолият кўрсатади. Туман қишлоқ хўжалиги, асосан, пахтачилик ва ғаллачиликка ихтисослашган. Ўрта Чирчиқ туманида жами суғориладиган 28,6 минг га ерга пахта, 11,5 минг га ерга дон, шунингдек, картошка, сабзавот ва полиз, озуқа экинлари, беда экилади. Тумандаги жамоа ва шахсий хужаликларда 32 минг қорамол, шунингдек, 321,7 минг қўй ва эчки, 205,2 минг парранда, 21,7 минг йилқи боқилади (2012). Ўрта Чирчиқ туманида Республика шоликорлик илмий тадқиқот институти, 74 умумий таълим, болалар санъат, спорт мактаблари, академик лицей, гимназия, 2 касб-хунар коллежи фаолият кўрсатади, Туман марказий кутубхонаси, марказий маданият уйи, 2 маданият ва истирохат боғи, 8 клуб муассасаси бор. 3 стадион, спорт заллари, отиш тирлари, футбол, волейбол, баскетбол, қўл тўпи майдончалари мавжуд. Туман марказий касалхонаси, 3 поликлиника, туғруқхона, дорихона, 20 қишлок, врачлик пунктлари, 21 фельдшер-акушерлик пунктлари аҳолига хизмат кўрсатади.

Ўрта Чирчиқ тумани автомобиль йўллари орқали Тошкент шаҳри ва бошқа шаҳарлар билан боғланган. Туман ҳудудидан Тошкент — Ангрен темир йўли ўтади. 1932 йилдан "Машъал- туман газетаси чоп этилади.

## 2.2 Ердан фойдаланишни бошкаришнинг иктисодий рағбатлари

Мамлакатимизнинг ер бойликларини мухофаза килиш ва окилона фойдаланиш тизимнинг ривожланиши давлат томонидан таъминлансин. Биринчи навбатда ер кадастрининг карор топиши ва аста-секин таксимлашуви билан богланган.

Мустакиллик шароитида ер ресурсларидан окилона фойдаланишнинг хукукий, конуний таъминланиши зарур ва мухимдир. Бирок ердан фойдаланишни рационализациялаштиришнинг халкилувчи воситаси эмас. Бу ерда асосий услуб ижтимоий - иктисодий муаммоларни ечишга хукукий ва иктисодий ендашувлар бирламчилиги сифатида иктисодий услуб булиши керак. Ердан окилона фойдаланишни иктисодий рагбатлантиришнинг икки ягона максадли вазифаларини таёминлашдан иборат.

а)Ердан фойдаланувчиларга беркитиб куйилган ерлардан тула ва самарали фойдаланиш.

б) кишлок хужалиги аборотидан олинган ер мулкларидан хар томонлама тежаб тергаб, иктисод килиш ва ресурсларни тежаш технологиясини жорий килиш.

Тарифланган вазифаларни ечишнинг ва унинг айрим холларининг номоен булишининг мухим воситаси булиб, ерни хўжалик эксплуатацияси жорий рента туловлари хизмат килади амлда ер муносабатларини тартибга солишга ерни пул билан бахолаш (ернинг бахоси) дан фойдаланилади:

Кишлок хужалиги оборотидан олинган ерлар окибатини иктисодий (ва экологик ) бахолаш ва кишлок хужалиги ер мулкини мажмуали хисобга олиш йули билан иктисодий химоялаш.

Кайд этилган воситалар бир-бирлари билан мустахкам богланган ва амалда уларни мажмуаси реализация килинган такдирдагина максимал самара билан таёминланиши мумкин.

Мамлакатимизда ер фукаролик ва товар оборотидан чикарилган.

Объектив ва субъектив сабаблар таъсири остида кишлок хужалиги корхоналарининг айрим ер участкаларидан фойдаланмай колиш холлари куплаб учраб туради.

Ер мулкидан фойдаланишнинг объектив хакикий самарали булиши мумкин булган унинг маъёрий даражасидан паст булиш ходисалари янада купрок учраб туради. Хар иккала далиллар кишлок хужалиги оборотидан олинган кисмларга тегишлидир. Бундан кишлок хужалиги хам ва умуман халк хужалиги зарар куради. Бундай шароитда хўжаликларга беркитилган ерлардан жуда хам бемаънилик билан ёки умуман фойдаланилмайди. Ер учун хак тулаш ердан фойдаланувчиларни уз эхтиёжларини кискартиришлари ёки улардан тула кувват билан фойдаланишга мажбур килган буларди. Бу максадлар учун мелиорация, сув хужалиги ва культур

Ерни иктсиодий химоялаш буйича тадбирлар хозирги вактда иккита бир-бири билан богланган аспктларда амалга оширилади. Уларнинг асосий мазмуни куйидагилардан иборат:

Биринчидан, ерга кишлок хужалигининг бирламчилигига каттик риоя килишни хисобга олиб ер ресурслари эксплуатацияси коидаси ва илмий-техника меъёри мажмуасини ишлаб чикиш ва амалга оширишда майдонларни техника-иктисодий куринишда кишлок хужалигининг ёмон ва "ташландик" ерларининг сифати буйича шу максадлар учун истеъмолдан чикариб олинган ер ускуналарини ажратиш жойи ва сифатини меъёрий оптимизациялаштириш;

Иккинчидан, экологик ва ижтимоий омилларни хисобга олиб кишлок хужалиги ерларини истеъмолдан чикариб олиш билан кишлок хужалиги курган зарар окибатини албатта кайта тиклашни иктисодий бахолашда кишлок хужалиги имконияти тула тикланиш зарурияти олиниб ер фондини кайта таксимлаш вариантларини ишлаб чикиш. Ерни иктисодий химоялашни таъминлаш - ердан фойдаланишни рационализациялаш-

тиришнинг рагбатлантирувчи самарали тадбиридир у амалда ер фондини давлат томонидан бошкариш вазифаси сифатида ер ресурсларидан окилона фойдаланишни иктисодий рагбатлантиришнинг умумий тизимининг таркибий кисми булиб хисобланади. Кишлок хужалиги ерларни истеъмолдан чикариб олишнинг окибатлари механизми етарлича мураккаб ва уз ичига ердан аник фойдаланувчилар зарарларини коплашдан ташкари, кишлок хужалигида фойдаланиши тухтатиб куйилган ва унинг истеъмолидан чикариб олинган ердан кишлок хужалиги курган талофатни, бинобарин шу ерларда махсулотни такрор ишлаб чикариш зарурияти кушимча харажат килишни ёхуд янги ерлар узлаштириш ва уларни эксплуатация килишни талаб килади.

Иккинчидан, кишлок хужалигига ундан истеъмолдан чикариб олинган ерни узлаштиришда айрим холларда харажатларни коплаш зарурияти;

Учинчидан, кишлок хўжалигида фойдаланиладиган ерни унинг истеъмолидан чикариб олиш билан тухтатилиши кишлок хужалиги курган талофатни коплашнинг аник муддатини бажо келтириш.

Хозирги вактда, масалан, ер тузиш лойихаларини амалга ошириш учун муаллифлик назорати шаклида олиб борилади. Бир катор сабабларга кура бундай назорат факат ажратиб ва эпизоцик тарзда амалга оширилади. Лойихаларни амалга ошириш учун назоратниг ёппаси буйича мунтазам ишлар зарур. Келгуси ер назоратининг вазифасига назорат килинадиган объектив фаолиятини режа лойиха таклифларини ва даректив органларининг ёзма фармойишларини улар томонидан бажарилишини мажмуали бахолаш киради. Бу вазифалар ердан фойдаланишни хар томонлама тахлил килиш йули билан ечилиши керак. Натижада таклиф килинган объектив карорларининг тугри бажарилишини урнатиш мумкин. Шундай килиб, бу боскичда назорат ва тахлил уз мохияти эътибори ила бир хил вазифаларни ечадилар. Келгуси лойихалаштиришнинг узини такомиллаштириш учун бевосита ахамиятга эга. Чунки лойиха

карорларининг асосланганлигини, умуман лойихасидагига асосли бахо беради.

Хозирги вактда ердан фойдаланишнинг анъанавий тахлили ер тузишда лойихали карорларга утиш учун асосий воситалари сифатида ёрдамчи умуман ёрдамчи рол уйнайди. Аммо шундай холда хам ердан фойдаланишнинг тахлили маълум даражада назорат вазифасини бажаради. Шунинг учун ердан фойдаланишнинг тахлили кандай максадлар учун утказилаётганлигидан катъий назар, унинг натижалари назорат хизматида фойдаланиши керак. Худди шунингдек, иктисодий тахлил утказишни назоратнинг мухим таркибий кисми деб уни самарали ташкил килишнинг зарурий шарти сифатида караб чикиш керак.

Шунинг учун ердан фойдаланишни назорат килишнинг мазмуни умумий ва махсус булиши мумкин. Умумий ер назорати ерни мухофаза килиш ва фойдаланиш буйича назорат килинадиган объектив фаолиятининг барча томонларини камраб олади. Шунакаларга, масалан, ички хўжалик ер тузишнинг мажмуали назоратини киритиш мумкин.

Махсус ер назорати фактгина ердан фойдаланиш буйича объектив фаолиятинининг айрим томонларига таркатилади.

Махсус назоратнинг мазмунига, масалан, хозирги пайтда тажрибада утказилаётган алмашлаб экишнинг узлаштирилиш синови, ерни тубдан яхшилашнинг инвентаризацияси ва бошкалар киради. Назорат танувчи ва назорат килувчи органларнинг узаро муносабатлари тавсифи буйича (халк хужалиги микёсида) ички (ички идоралар) ва ташки назоратлари фаркланади. Маълумки, давлат ягона ер фондининг турли хил тоифалари муносиб вазирликлар ва идоралар сохасининг ихтиёрига тегишлидир. Бундай шароитда ташки назоратни ташкил килиш имконияти чекланган. Шунга ухшаш вазифаларни махсус тармоклараро органи ечиши мумкин.

Ички хўжалик назоратини амалий самарали ташкил килишга тегишли эътибор берилиши керак.

Ер назоратини назорат киладиган объектларни камраб олинишининг тулалиги ва назоратнинг узлуксизлиги сифатидаги белгилари буйича классификациялаштириш максадга мувофикдир. Биринчи белги буйича ёппасига ва аралатиб, иккинчиси эса – мунтазам (доимий) вакти-вакти билан назоратларни фарклаш керак. Шунингдек баъзи бир вакт оралиги оркали бир вактли назорат хам шулар жумласига киради. Ер назорати усулларини такомиллаштириш ва фарклаш мухимдир. Улардан асосийлари - худудни далали тафтиш килиш зарурияти билан богланган натурада бевосита назорат усули ва ерни хисобга олиш ва ер хисоботи, ерни бахолаш, лойихали, тафтишли ва бошка мувофик хужжатлар асосида ердан фойдаланишни тахлили ва урганиш билан богланган хужжатли назорат. Шундай килиб, давлатнинг ер назорати тизими ривожланиши ва шаклланиши талаб килинади. Шунга ухшаш эхтиёж ер ресурсларини бошкаришга хам тегишли. Давлатнинг ердан фойдаланиш устидан назорат тадбирларининг хукукий устунлиги хакидаги тасаввур бир томонламадир. Уни амалда ташкилий-иктисодий, маъмурий ва хукукий тадбирлар ва харажатларнинг яхлит тизими сифатида ривожлантириш керак.

Ўзбекистонда ер мутлако давлатнинг мулки хисобланади ва ердан фойдаланувчиларга факат ундан фойдаланиш хукуки берилади. Шунинг учун мамлакатимизда ер бахслари факат ердан фойдаланиш хукуки билан богланган булиши мумкин.

Ердан хўжалик эксплуатацияси жараёнида ердан фойдаланувчилар уртасида уларга берилган ердан фойдаланиш буйича айрим келишмовчиликлар тугилиши мумкин, тугилади хам.

Бу келишмовчиликлар ердан фойдаланувчиларнинг иктисодий манфаатлари тукнашуви асосига эга. Бу пировардида улар уртасида ер бахсларининг вужудга келишига олиб келади. Бирок барча келишмовчиликлар ер бахсига олиб келмайди, факат бир ердан фойдаланувчининг конуний хукукини бошкаси бузган такдирда келиб

чикади. Ердан фойдаланиш хукукининг, объектив шаклда ифодаланган хар кандай бузилишнинг келиб чикиши барча келишмочиликлар ер бахси сифатида каралади.

## 2.3.Фаолият шакллари ва кўринишлари

Ҳар бир инсоннинг ва бутун жамиятнинг меҳнат фаолияти қуйидаги икки асосий турга бўлинади: жисмоний ва ақлий. Ҳар қандай фаолият маълум бир ижтимоий, руҳий жараённи назарда тутади. Ҳаммага маълумки, инсон фаолияти натижасида ҳар доим бирор моддий нарсага эришилади. Зеро моддий нарса натижасида фаолиятнинг доираси доимий кенгайиб, мураккаблиги ортиб боради. Инсонни бир вақтда фаолияти билан эҳтиёжи ҳам ривожланиб боради.

Инсон фаолияти - бу ҳар доим ҳаёт уни олдига қўйилаётган муаммоларни ҳал этилишидир. У бу муаммоларни ақлий ва жисмоний фаолияти натижасида ечади. Умуман олганда инсон фаолиятини ақлий ва жисмоний фаолиятларга бўлиш кўп жиҳатдан шартли ҳисобланади. Ақлий фаолият марказий асаб системасига сезиларли даражада юкланиш беради ва меҳнатни кучланганлиги сифатида характерланади. Жисмоний фаолият инсонни мушакларига, скелет мушакларига, юрак-қон томир системаларига ва бошқа физиологик системаларига юкланиш беради.

Замонавий ҳаёт ишлаб чиқаришда жисмоний фаолиятга нисбатан ақлий фаолият улушини ошиб боришини характерлайди. Бундай ҳолатлар ақлий меҳнат билан шуғулланувчи одамларда ёғ босиш, қон томир касалликлари, умуртқа, ошқозон-ичак ва бошқа касалликларни пайдо бўлишига олиб келади.

Замонавий ишлаб чиқаришда касблар тўрт гуруҳга бўлинади: жисмоний, механизациялашган, автоматлашган ва ақлий меҳнат. Ўз навбатида охирги иккитасини улуши доимий ўсаётган бўлса, биринчи

иккитасиники эса доимий камаймоқда. Мос равишда ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш соҳаси кенгаймоқда. Аммо инсонни юқори меҳнат унумдорлигини таминлаш учун ақлий ва жисмоний фаолиятини маълум даражада биргаликда олиб бориш зарур. Шу маъқсадда ҳар хил тренажерлар, аэробика машғулоти, жисмоний тарбия, югуриш, спортча юришлардан фойдаланиш зарур.

ҲФХ ни бошқаришнинг вазифалари қуйидагилардан иборат: Объект ҳолатининг таҳлили ва баҳоси.

1. Объект ҳолатининг таҳлили ва ҳисоботи.
2. Бошқаришнинг тадбирлари.
3. Бошқарилувчи ва бошқарувчи тизимларни ташкил қилиш.

Меҳнат гигиенистлари ва физиологларининг қайд қилишича инсон ўзининг ҳар қандай фаолиятида унинг организмини биоритми меҳнат ва дам олиш режимлари билан мос келса у энг юқори самарадорликка эришиши мумкин.

Ақлий меҳнат билан шуғулланадиган одамларни биоритмини тадқиқотини кўрсатишига уларнинг меҳнат самарадорлиги эрталаб яхшиланиб, ярим тунда ўзининг энг юқори даражасига етади, сўнгра эса аста-секин ёмонлашиб боради.

ҲФХ тўғрисида тушунча. ҲФХ услубий ва бошқарув масалаларининг хавфсизлик даражаси ва «Т» га объектив таъсири катта. ҲФХ бошқарилишида инсон-муҳит тизими тушунилади. ҲФХни бошқариш объектив хавфли ҳолатдан кам хавфли ҳолатга ўтказишдир. Бунга иқтисодий ва техник мақсадга мувофиқлик шартларига амал қилинади.

**2-боб бўйича хулоса.**

1. Мамлакатимиз ер ресурсларидан оқилона, экологик жиҳатдан хавфсиз фойдаланиш - ҳар бир фуқаронинг, корхонанинг ва бутун жамиятнинг

конституциявий бурчи ҳисобланади. Қонун ердан ва ер ости бойликларидан, сув ресурсларидан, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсидан оқилона фойдаланиш ва уни мухофаза қилиш, сувнинг ва ҳавонинг тозалиги ва уларни сақлаш, табиий бойликларнинг тикланишини таъминлаш бўйича барча зарур чораларни амалга оширишни талаб этади.

2. Ер табиий муҳитнинг бирламчи ўзгармас омиллари жумласига киради, сув кенгликлари, ер ости бойликлари, ўсимлик, ҳайвонот дунёлари эса ўзларининг жойлашишлари бўйича ҳаракатланувчанлик характерига эга. Ўсимлик қопламасининг йўқолиб кетиши ёки кескин ўзгариши, ҳайвонларнинг ҳозирги сахро ҳудудларидаги ва абадий музликлар минтақаларидаги миграцияси ва ҳалокати тўғрисидаги кўплаб далиллар маълум. Минерал хом-ашё ва ёнилғига бой бўлган конларнинг заҳиралари камаяди, сув ресурсларининг қайта тақсимланиши юз беради.

3. Ердан оқилона фойдаланишни, минтақавий табиий тизимларни ривожлантиришга комплекс ёндашишда унинг ишончли муҳофазасини таъминлашдан ажратиб бўлмайди. Ерни ҳимоялаш тадбирларининг мазмуни ерга хўжалик таъсирининг кучайишига мос келиши, тупроқлар унумдорлигининг тўхтовсиз ошишига ёрдам бериши керак.

4. Бизнинг давлатимизда узоқ вақтларгача ердан текин фойдаланиш тамойили амалда бўлди, етиштирилган маҳсулотнинг асосий қисми эса давлат томонидан тасарруф этилди.

5. Мустакиллик шароитида ер ресурсларидан окилона фойдаланишнинг хукукий, конуний таъминланиши зарур ва мухимдир. Бирок ердан фойдаланишни рационализациялаштиришнинг халкилувчи воситаси эмас. Бу ерда асосий услуб ижтимоий - иктисодий муаммоларни ечишга хукукий ва иктисодий ендашувлар бирламчилиги сифатида иктисодий услуб булиши керак. Ердан окилона фойдаланишни иктисодий рагбатлантиришнинг икки ягона максадли вазифаларини таёминлашдан иборат.

# 3-БОБ. ЕРДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ИҚТИСОДИЙ-ХУҚУҚИЙ МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ.

## 3.1 Ердан самарали фойдаланишни бошкаришнинг умумуслубий масалалари

Ердан фойдаланиш тушунчаси бир хил маънода кулланилмайди. Ер тузиш сохасига оид адабиётларда ердан фойдаланишнинг анъанавий тарзда ер участкаси сифатида таърифланган Ердан фойдаланиш хўжалик объекти ва фойдаланиш хукуки объекти сифатида тавсифланади. Ердан фойдаланиш тушунчаси шунингдек ердан фойдаланиш жараёнини хам билдиради. Бу таърифда фойдаланиш тушунчаси ердан фойдаланиш мазмунини англатади.

Ердан фойдаланишнинг умумлаштирувчи энг юқори боскич табиатдан фойдаланишнинг (тизим ости) таркибий кисмига нисбатан унинг мустакил тури деб каралади. Бу таърифда "Ердан фойдаланиш" тушунчаси ер манбаларидан фойдаланиш, уларни такрор ишлаб чикариш ва мухофаза килиш сохасини хамда давлат тадбирларини ташкил килиш ва амалга оширишнинг бирлигини камраб олади. Шундай килиб, ердан фойдаланиш кенг камровли ташкилий-иктисодий холатларнинг устунлигини таъминлашга каратилган тушинча сифатида эътироф этилади.

Бу ерда ердан фойдаланиш, ер манбаларидан фойдаланишнинг ишлаб чикариш усули ва ижтимоий-иктисодий шакллари булиб, иктисодий конунларни табиат конунлари билан богланган холда онгли равишда фойдаланиш асосида унинг объектив ривожланиши булиб майдонга чикади. Ердан фойдаланишни умумлаштиришнинг олий даражасида ижтимоий-иктисодий тузум сифатида таърифланган унинг мохиятини аник намоён булиши сифатида каралади.

Ердан фойдаланиш - ижтимоий-иктисодий ходисадир. Шу маънода ердан фойдаланиш узида ер ресурсларидан фойдаланишнинг ташкилий-иктисодий мазмуни тавсифини ва ер тузиш ва унга мувофик булган тизимнинг тавсифи билан бирликда тушинилади.

Ердан фойдаланишнинг ижтимоий-иктисодий турлари тарихий ижтимоий-иктисодий тузумнинг мохияти билан богликдир. Ердан окилона фойдаланишнинг мохияти ва мазмуни ердан фойдаланишни самарадорлигини ошириш масаласини урганиш билан боглик.

Ердан фойдаланиш, пировард натижада ташкилий тадбирлар мажмуасидир. Бинобарин, унинг асосида, амал киладиган иктисодий конунларнинг онгли хисоби ётади. Шунга мувофик, ушбу муаммонинг мазмуни ва тахлилига хам янгича ёндошув зарур. Аммо, бу хилма-хиллик бир-биридан ажралган ва таркок холда намоён булиб эмас, балки улар хаммаси ердан фойдаланишнинг уюшган шаклини бирлаштиради. Ердан окилона фойдаланиш мохияти пировардида аник ташкилий шакллар тизими намоён булади.

Хукукнинг ахамияти ва махсус роли шундаки, у ердан фойдаланиш ва мухофаза килиш сохасида давлатнинг сиесатини, фан ва техника ютугининг нормалари одамлар феъл атворларини мажбурий езма куринишда фармойиш бериш оркали мустахкамлайди. Давлатнинг хукукий фаолияти ердан омилкорлик билан фойдаланишни ташкил килиш ва амалга оширишнинг мухим омили ва зарурий шартидир.

Ердан омилкорлик билан фойдаланиш муаммоси маълум шаклларда ечилади. Муаммони амалий ечишнинг тавсифи буйича иккита умумлаштирилган шаклларни ажратиш мумкин. Булар:

1) амалга ошириш шаклли (тугри шаклли),

2) ташкилий шаклли (бевосита шаклли).

Тугри шаклда ердан фойдаланишнинг мазмуни асосан ерга техникавий таъсир курсатиш ва ишлаб чикариш воситаси сифатида ва тирик организмлар хамда усимликлар учун мухит сифатида унинг технологиясидан фойдаланиш билан изохланади. Бу ерда бош бугин - одамларнинг унумли мехнатидир.

Ердан фойдаланишнинг амалга оширишни тарихий маънода ибтидоий ва замонавий шаклларини фарклаш мумкин.

Хозирги эамон шакли узига ердан окилона фойдаланишнинг икки турини киритади. Яъни экстенсив ва интенсив турлари. Тарихий маънода биринчи тури иккинчисидан илгари утган. Хозирги вактда ердан фойдаланишнинг экстенсив ва интенсив шакллари узаро бир-бири билан мустахкам богланган. Ердан экстенсив фойдаланиш кушимча махсулот хажмини олиш учун ер майдонини кенгайтиришни назарда тутади, бу масалани ечиш имкониятини хисобга олмасдан туриб аллакачон узлаштирилган ер майдонининг бирлигига улкан мехнат ва моддий маблаглар сарф килиш йули билан кишлок хужалиги махсулотини купайтиришни мулжаллайди. Бирок, яхши ва уртача ерларни захираси кишлок хужалиги кам харажат билан узлаштириш амалда тамом булган. Кишлок хужалиги майдонларини бундан кейин купайтириш кишлок хужалиги ишлаб чикаришга тортиладиган ер участкаларини тубдан мелиорациялаш билан богланган. Ердан фойдаланишнинг экстенсив шакли бу ерда интенсификация билан туташиб кетади.

Илмий техника тараккиети шароитида ердан фойдаланишнинг бош йули - интенсификациялашдир.

Ердан фойдаланишнинг интенсификация жараёни унинг учта мухим вазифасини: табиат мажмуасининг компоненти сифатини; ишлаб чикариш воситаси сифатини; худуд сифатини камраб олади. Ердан фойдаланиш унинг вазифаларидан богликликда интенсификация шаклларининг узига хослиги намоён булишига мувофик келади.

Табиат мажмуасининг компоненти сифатида ердан фойдаланиш интенсификацияси ердан бирламчи ва иккиламчи махсулотларнинг оптимал микдорини олишни билдиради. Бунда бир томондан, ерни маданийлаштириш ва ландшафтидан интенсив фойдаланишни урнатиш имконияти хакида нарса, иккинчи томондан, унинг бир кисмини табиий

холатида саклаш ва колдириш зарурлиги хакида бораётир. Кишлок хужалигида ердан фойдаланишнинг интенсификацияси натижаси тупрок унумдорлиги ва ер хосилдорлигининг узлуксиз бориши, билан улчанади. Махсулот микдорини уни ишлаб чикариш учун харажатлар улушини минимумлаштириш шароитида купайиб бориши хам шу йуланишнибелгилаеди .

Ер маконда чегараланган. Бу холат уни саклаш заруриятини белгилайди. Бу унинг хам идеал, микдори тавсифини макон ва замонда маьлум даражада тутиб туришни билдиради. Бирок бу улчамлар ердан фойдаланиш жараёнида узлуксиз узгариб туради.

Шунинг учун ердан фойдаланиш билан бирга уни саклаш зарурияти уларни хар томонлама мухофаза килишни назарда тутади. Ерни мухофаза килишнинг аник мазмуни булиб уни купрок окилона фойдаланиш ва такрор ишлаб чикаришдир. Шу нуктаи назардан ердан окилона фойдаланиш, саклаш, мухофаза килиш ягона жароенга туташиб кетади. Ерни мухофаза килиш нисбатан мустакил ходиса сифатида узига тупрокнинг кимевий ва биологик химоясини, ернинг иктисодий химояси ва хукукий химоясини киритади.

Ер ресурсларидан фойдаланишни ташкил этиш. Ер тушунчаси ундан окилона фойдаланиш ер манбаларини бошкариш ва ер манбаларини ташкил килиш тушунчаси билан узлуксиз богланган.

Айтиб утилган тушунчаларнинг энг мазмунли тавсифини тизимли ендашув асосида бериш мумкин. Ер манбаларини ташкил этиш погонали тизимидир. Унинг ядросини ер манбаларидан бевосита окилона фойдаланишни таьминлашга, уларни мухофаза килишга ва такрор ишлаб чикаришга йуналтирилган тадбирлар ва воситалар ташкил этади,шунингдек барча халк хужалигини ривожлантириш буйича тадбирлар, хужумлардан агросаноат мажмуасининг ердан фойдаланиш сохасига тегиб утадиган кисмига хам тегишли булади.

Ердан фойдаланиш билан бевосита алока булганлиги ташкилотчилик фаолиятининг айтиб утилган йуналишлари ва турлари биргаликда ер манбаларидан окилона фойдаланишни ташкил этиш тизимини хосил килади. Бирок уларнинг маъноси янада кенгрок нуктаи назардан, факатгина ердан фойдаланиш сохаси билан чегараланмайди, чунки у ижтимоий ишлаб чикаришда янада кенгрок барча табиий манбалардан фойдаланиш сохасини камраб олади, шунингдек (маълум даражада) бу ишлаб чикаришни узини хам камраб олади. Шундай килиб, мураккаб тизимлар сифатидаги ер манбаларини ташкил этишнинг мазмун тизимининг ядросини ва унинг учун четланган сохасини ташкил этади, гарчи у ёки бу жихати билан ер билан богланган булса хам ер манбаларидан окилона фойдаланишни таъминлайдиган узига хос инфраструктура булиб хизмат килади.

Ер манбаларини ташкил этиш тавсифида мухим жихат шундан иборатки, яъни бу тушунча билан бир вактда куйидагиларни белгилаб куйиш керак: а) ердан фойдаланиш самарадорлигини таъминлаш буйича ташкилотчилик фаолиятининг ва ер манбаларидан фойдаланиш тизимининг аллакачон таркиб топганлиги.

## 3.2 Туманда ердан фойдаланишидаги муаммолари.

Ер ресурсларидан фойдаланиш имкониятларини ҳаётга тадбиқ қилиш суръатлари мамлакатда ўтказилаётган иқтисодий ислоҳотлар салмоғига унчалик тўла жавоб бермайди. Бу тўғрида ерларни мақбул тармоқлараро тақсимланиши ҳамда иқтисодий тармоқлари ва жамоат фаолиятининг сфералари бўйича ерлардан фойдаланиш самарадорлигини баҳолаш амалиётини мавжуд эмаслиги, ер кадастрини юритишдаги мавжуд камчиликлар, қишлоқ хўжалик ерларидан фойдаланишнинг унча юқори бўлмаган самарадорлиги, қишлоқ хўжалик ерлари сифатини пасайиши, бозор шароитида ерлардан фойдаланиш механизимига киритиладиган иқтисодий омилларни унчалик тўла ўрганилмаганлиги, қишлоқда аҳолини

жойлаштириш муамоларини мавжудлиги, ер ресурсларидан қайта тиклаш ва бошқа қатор муаммолар гувоҳлик беради. Ер ресурсларидан фойдаланишдаги камчиликларнинг асосий сабабларидан бири-бу ҳозирги кунгача тизимли ердан фойдаланишнинг аниқ ва самарали равишда чиқилган давлат Дастурларнинг мавжуд эмаслигидир. Бу Дастур ердан фойдаланиш концепциясини, ер муносабатларининг таркибий қисмлари тамойиллари,мазмуни ва методологиясини, кейинги йўлларини аниқлайди.

Ердан фойдаланишнинг самарали Дастурларини мавжуд эмаслиги ердан фойдаланишни ижтимоий-иқтисодий воқейлик сифатидаги моҳиятига ва ривожланган ёки ривожланмаган бозор иқтисодиётига эга жамиятдаги ернинг умум эгаллаган ролига, табиий мажмуанинг муҳим бирикмаси сифатидаги ролига етарли баҳо берилмаганлиги билан белгиланади. Бундай дастурсиз самарали ер сиёсатини ўтказиш ҳамда ер ресурсларидан оқилона фойдаланишни таъминлаш мумкин эмас. Давлат мамлакатда бошислоҳотчи ҳисобланади, ер сиёсати учун ваколатли ва маъсулиятли давлат органи-бу Ергеодезкадастр давлат қўмитаси ҳисобланади. Бу ташкилот бозор иқтисодиётининг ривожланиши шароитида анча фаол ва аниқ ер сиёсатини юритиш зарур.

Тизимли ердан фойдаланиш Дастурининг мазмуни ер ресурсларини тўла тикланиш цикли билан боғлиқ бўлиши зарур: уларни тоифалари бўйича, жамият фаолиятининг сфералари бўйича, иқтисодий тармоқлари, ер участкалари бўйича тақсимланиши (қайта тақсимланиши); уларнинг мақсадли моҳиятига мос тарзда фойдаланилиши ва ушбу жараённи тадбиқ қилиш самарадорлигини назорат қилиш; ер ресурсларини қайта тиклаш. Дастур бозор иқтисодиётини яратиш моҳияти ва вазифаларига жавоб берадиган тизимли ердан фойдаланиш концепциясини ўз ичига олиш зарур. Ер ноинки асосий ишлаб чиқариш воситаси сифатида, балки жамиятдаги бозор муносабатларининг ва ижтимоий-иқтисодий алоқаларининг объекти ҳамда табиий мажмуанинг асосий бирликлари сифатида қаралиши зарур.

Ердан фойдаланишни барча қирраларининг мазмуни ва истиқболдаги ривожланиши бу ерда ўз ўрнини топиши зарур.

Дастурда асосий диққат-эътибор, айниқса бозор иқтисодиёти нуқтаи назаридан, ердан фойдаланишнинг иқтисодий қиррасига қаратилиши зарур. Барча турлардаги ер режасини ҳисоблаш, бонитировка ва ерларни иқтисодий баҳолаш, солиққа тортиш тизимини такомиллаштириш, ипотека тизимини ривожлантириш, ҳудудни ривожлантириш ҳамда ер участкаларидан фойдаланишда инвестициялаш шартлари ва тартиби, ерлани қайта тиклаш механизимини ҳамда уларни оқилона фойдаланишни рағбатлантириш, ер участкалари билан турли ҳаракатларни амалга ошириш каби муаммолар айниқса катта аҳамиятга эга бўладилар. Ерлардан иқтисодий фойдаланиш механизимига қўшилиши мумкин бўладиган бошқа омилларни ҳам қабул қилиш мумкин.

Дастурда мумкин қадар ижтимоий рекреацион ҳамда экологик масалаларни кўпроқ ишлаб чиқиш зарур: ердан фойдаланиш масалаларини аҳолининг турмуш фаолияти учун нормал шароитлар билан, ер ресурсларидан фойдаланиш жараёнида атроф муҳитни сақлаш билан боғлаш зарур бўлади. Қишлоқ аҳолисини жойлаштиришнинг мақбул шароитлари, ердан фойдаланишнинг минтақавий тизимларини (Қорақалпоғистон, Фарғона водийси ва бошқа регионлар) ишлаб чиқиш еридан фойдаланишнинг ўта муҳим муаммолари ҳисобланади. Ердан фойдаланишнинг ижтимоий йўналишига тааллуқли тамойилларни тадбиқ қилиш йўлларини, табиий мажмуалар билан уларни ўзаро боғлиқлигини аниқлаш зарур бўлади.

“Ердан фойдаланиш” тушунчаси билан мутахассислар ўртасида жуда кенг тарқалиб келган ҳамда юқоридагига нисбатан кенг ёки тенг мазмун ва аҳамиятга эга бўлган “Ер тузиш” тушунчаси ўртасида аниқ чегара қўйилиши зарур. Ер тузиш ҳудудини ташкил этиш бўйича давлат тадбирларининг тизими бўлиб, ердан фойдаланишнинг худудий қиррасини,

Ердан фойдаланишни бошқаришнинг функцияларидан бири сифатида мавжуд бўлади. “Ердан фойаланиш” ҳамда “Ер тузиш” тушунчалари ўртасида аниқ чегараланишнинг мавжуд бўлмаганлиги Ердан фойдаланишни бошқариш функциясида чалкашликларга ва уларни тадбиқ қилиш ҳамда ерлардан фойдаланишда қатор камчиликларга олиб келади. Ердан фойдаланиш моҳиятига, мазмунига ҳамда функциясига илмий асосланган ёндошув зарур.

Республикада иқтисодий ислоҳотларни доимий равишда чуқурлашуви сабабли янгиланиб турган ер қонунчилиги тизими ишлаб чиқилган ҳамда мавжуддир. Ер кодексига тизимли ердан фойдаланиш тўғрисидаги тушунчани киритиш, бозор иқтисодиёти шароитида ерни жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий алоқаларининг объекти сифатидаги ролини етарли даражада очиб бериш зарур; ерга бўлган мулкчиликнинг турли-туман шаклларини мавжуд бўлиши нуқтаи назардан 16,17,39 ва 40-моддалари катта тузатишлар талаб қилади; ер участкасини мулкдори, эгаси, фойдаланувчиси ва ижарачи терминлари чалкашиб кетган; умуман олганда кодекс аксарият аграр йўналишга эга, катта миқдорлардаги қонун ости меъёрий хужжатлари ишлаб чиқиш зарур.

Ердан фойдаланишнинг ҳуқуқий қирраси ер муносабатларини тубдан ислоҳ қилиш учун, ерда хўжалик юритишнинг турли-туман, ташкилий-ҳуқуқий шаклларини ривожлантириш, ердан фойдаланиш субъектларининг ҳуқуқий режимини такомиллаштириш учун зарурий шароитларни юқори суръатларда таъминлаши зарур. Ушбу мақсадда Ергеодезкадастр давлат қўмитаси ишлаб чиқариш кучларни ривожлантириш учун зарурий кенгликни таъминлайдиган ер муносабатларини ислоҳ қилиш бўйича тавсияларни ишлаб чиқиш ва башоратлаш ишларини амалга ошириш зарур.

Ер ресурсларини тармоқлараро тақсимотини мақбуллаштириш ҳамда ердан фойдаланишнинг муҳим муаммоси ҳисобланади. Ердан фойдаланиш турларини назарий жиҳатидан янада қайта ўрганиш талаб қилинади.

Уларни ҳал қилиш ерларни тармоқлараро тақсимлашни мақбулаштириш билан ҳамда ҳудудни табиий-иқтисодий минтақалари билан боғликдир.

Ердан фойдаланиш турлари, уларнинг мазмуни, ўсиш суръатлари ва хусусиятлари, ҳар бир ердан фойдаланиш турлари бўйича ердан фойдаланиш самарадорлигини баҳолаш нуқтаи назаридан ерлардан оқилона фойдаланиш масалаларини ривожлантириши зарур. Барча тоифа ерлардан фойдаланиш уларга мос самарадорликда (иқтисодий, ижтимоий, рекреацион, экологик) амалга оширилиши зарур. Ҳар бир фароият соҳаси, иқтисодиётни ҳар бир тармоғида ерлардан фойдаланиш самарадорлигини (мавжуд ва потенциал) баҳолаш услубиятини ишлаб чиқиш зарур. Жумладан, масалан, сув фонди майдонининг кейинги 37 йил ичида 6 марта кўпроқ ўсган.

Ушбу суръат билан ерлардан фойдаланишнинг иқтисодий ёки бўлмаса боқа самарадорлигини ўсиши қай тарзда таққосланади. Қишлоқ хўжалик ерларини ноқишлоқ хўжалик мақсадлари учун ҳар йиллик катта миқдорлардаги (5-7 минг.га суғориладиган экин ерлари) ажратилиши (кайта тақсимланиши), ички хўжалик қурилишлари (2-3 минг.га суғориладиган экин ерлари), сув хўжалиги қурилишлари шулар жумласидандир. Ерларни тармоқлараро тақсимлашни мақбуллаштириш нуқтаи назаридан бу қанчалик асосланган ва самарали? Ердан ажратишда уларни ўрнини қоплаш ставкалари етарли илмий асосланишга эгами?

Қишлоқ аҳолисини жойлаштириш ердан фойдаланишнинг таркибий муаммоси ҳисобланади. Республикада 10 мингдан ортиқ қишлоқ аҳоли пунктлари мавжуд, уларнинг умумий майдони 670,0 минг га атрофида, асосан улар суғориладиган минтақада жойлашган. Қишлоқ аҳолисини йилига ўртача 2% ўсишини эътиборга олсак, томорқа ерлари фондини йиллик ўсиш суръатлари 7-8 минг га ни, посёлкаларни қўшимча ободонлаштириш ва қуриш ҳисобига 9-10 минг га суғориладиган ерларни ташкил этади [59,45б]. Бу қимматли қишлоқ хўжалик ерларидан ноокилона

фойдаланишнинг энг катта омилларидан биридир ҳамда бу қишлоқ аҳолисини жойлаштириш муаммосини вақт ўтиш билан мураккаблаштиради ҳамда долзарб масалалар қаторига чиқаради.

Ер-сув муносабатларини ислоҳ қилишда ягона бирликка, органик жиҳатдан ягоналикка эришиш суғориладиган ердан фойдаланишнинг энг муҳим муаммоларидан саналади. Ер ва сув ресурсларини қишлоқ хўжалигининг асосий омиллари ҳисобланади. Назарий жиҳатдан суғориладиган ер турларига, ҳамда биринчи навбатда, экин ерларига тушунча бериш ва мазмунини очиб бериш зарур. Иккинчидан, сув ва ер ресурсларини ислоҳ қилишни, айниқса, хусусий ердан фойдаланиш ва ижара муносабатларини ривожланиши муносабати билан узвий боғлиқ ҳолда олиб бориш зарур. Ер участкаларига сувни етказиб бериш ҳамда табиий ресурс сифатидаги суғориш сувига тўловларни кўзда тутадиган қишлоқ хўжалиги сувдан фойдаланишда бозор тамойилларини қўллаш механизимларини ишлаб чиқишни тезлаштириш зарур.

Ердан фойдаланишни замонавий план-харакатлари билан таъминлаш ҳамда унинг муаммоси ҳисобланади. Ер майдонларини мақсадли фойдаланишига қараб (қишлоқ хўжалигида, ноқишлоқ хўжалигида) уларга план-хариталар тайёрлаш услублари ўзгаради. Қишлоқ хўжалиги учун фойдаланиладиган план-харита материалларининг масштаблари асосланган эмас. Ергеоездкодастр давлат қўмитаси томонидан, ер тузиш мақсадлари учун 1:10000 масштабдаги, бундай 15-16 йил, муқаддам тайёрланган фотопланлардан бугунги кунда ҳам бирламчи материал сифатида фойдаланилмоқда. У пайитларда қишлоқ хўжалик корхоналарининг ўлчамлари 2,0 мингдан 10,0 минг гектаргача бўлган. Бугунги кундаги фермер хўжаликларининг майдонлари бор-йўғи 20-40 гектарни ташкил этади, талаб қилинаётган хариташунослик материалларининг масштаблари эса асосланмаган. Эски бирламчи фотоматериалларнинг масштабларини йириклаштириш бўйича қўлланилаётган компьютер технологиялари ҳеч

қандай мақтовга лойиқ эмас, негаки олинадиган хариташунослик асосининг аниқлиги фототасвирлар қанчалик каттайишига қараб пропорционал равишда пасаяди. Ер устида бажариладиган геодезик усуллар ёрдамида фермер хўжаликлари майдонларини аниқлаш усули ҳам самарали эмас.

Ергеодезкодастр давлат қўмитаси ерларни хусусийлаштириш ҳамда солиққа тортишда анчагина фаол ролни ўйнаши зарур. Ишлаб чиқариш объектлари тагидаги ҳамда якка тартибда уй-жой қуриш учун берилган, хусусийлаштириладиган ер участкаларини қиймат баҳолаш, шунингдек уни табақалаштириш Ергеодезкадастр давлат қўмитасининг функциясига киради. Мамлакат Президентининг 2006 йил 24 июлдаги ПФ-3780-сонли Фармонини-5 пунктида айтиладики, юқорида қайд қилинган моҳиятга эга бўлган ер участкаларини қайта баҳолаш ерларини кадастр баҳолашга асосланиш зарур. Аммо ерларни кадастр баҳолашни мавжуд эмаслиги сабабли шаҳар ерларини баҳолаш асосига Архитектура ва қурилиш давлат қўмитаси томонидан бажарилган ҳудудларни иқтисодий баҳолаш материаллари қўйилган. Натижада бу муаммо ўзининг тўғри ечимини топмади, негаки ернинг ўзи эмас, балки ернинг ўзида (ер тагида) жойлашган хўжалик объектлари баҳоланади.

Ерни солиққа тортиш тизимини такомиллаштириш зарур бўлади. Ушбу муаммони ҳал қилиш рента муносабатларини ҳисобга олган ҳолда фаолиятнинг барча соҳалари ҳамда иқтисодий тармоқлари томонидан ер ресурсларидан фойдаланишга тизимли ёндошув асосида амалга оширилиши зарур. Ер умуммиллий бойлик ҳисобланади ҳамда идоравий бўйсунувидан қатъий назар барча фойдаланиладиган ерлар солиққа тортилиши зарур.

Ер ресурсларини қайта тиклаш ердан фойдаланишнинг марказий муаммоси ҳисобланади. Улар табиий жиҳатдан қайта тиклаш жиҳатида чегараланган. Иқтисодий қайта тиклаш ўз ичига турли мақсадли моҳиятдаги қурилишлар учун ерларнинг меъёрий тарифини қисқартириш, қурилишлар мустахкамлигини ошириш, ерларни рекултивация қилиш,

ерларни салбий табиий ва антропоген жараёнларидан муҳофаза қилиш каби тадбирларни олади. Қишлоқ хўжалигида уларни қайта тиклаш тупроқлар унумдорлигини қайта тиклаш, ер турларини трансформациялаш билан, бузилган ерларни рекултивацияси, ерларни қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришдан чиқиб кетишини мухофаза қилиш билан боғлиқдир. Ўзига хос мураккаблиги сабабли ушбу муаммо мамлакат ер ресурсларидан фойдаланишнинг Бош схемасида ўзининг ҳал қилувчи ечимини топиш зарур. Бу схема учта асосий бўлимларни ўз ичига олади: ер ресурсларини мақбул тақсимлаш (ва қайта тақсимлаш); мумкин қадар максимал мақсадли функцияси асосида жамият фаолиятининг соҳаларида ва иқтисодий тармоқларида ерлардан фойдаланиш; ерларни қайта тиклашни кенгайтириш.

Ердан фойдаланишнинг ташкилий муаммоларидан бири-бу бошқариш функциясини чегаралашдир. Мамлакатда ер ресурсларини тақсимлаш давлат ҳокимияти органларининг ваколатидир, лойиҳа ишланмаларини координациялаш ҳамда уларни тўғридан-тўғри тадбиқ қилиш- Ергеодезкодастр давлат қўмитасининг вазифасидир. Ерларнинг тоифалари ҳамда иктисодий тармоқлари бўйича самарали фойдаланишни-тармоқларга мос келувчи вазирликлар ва идораларнинг вазифасидир, Ергеодезкадастр давлат қўмитаси эса фақат ерлардан оқилона фойдаланишни назорат қилади ҳамда зарурий илмий-услубий таъминотни амалга оширади. Улар томонидан ерларни қайта тиклаш бўйича лойиҳа ечимларини ишлаб чиқиш ва тадбиқ қилиш назорат қилинади ҳамда координацияланади. Шундай қилиб, ердан фойдаланишни бошқариш бўйича вазифалар (ерларни тўғридан-тўғри фойдаланишдан ташқари) Ергеодезкадастр давлат қўмитасининг функциялари ҳисобланади.

Ердан фойдаланишни илмий-ишлаб чиқариш муаммоларининг мавжудлиги шароитида Ўздаврлойиҳа илмий-лойиҳалаш институти институт статусига мос келмайдиган, пастмалакалаш ва кам самарали

ишларни ниҳоятда кўп миқдорларда бажармоқда. Институтнинг кадрлар билан таъминлаш долзарб муаммолардан ҳисобланади. Тизимли ердан фойдаланиш масалалари илмий адабиётларда деярли қараб чиқилмаган, лекин ер ресурсларидан фойдаланишни бошқаришнинг қатор функциялари ўрганилган. Тармоқлараро ер тақсимоти, ер мониторинги масалалари кам даражада қараб чиқилган, ер ресурсларини қайта тиклаш масалалари эса амалий жиҳатдан ўзининг зарурий тадқиқини топган эмас.

### 3.3 Ердан фойдаланишнинг иқтисодий механизими ва уни бошқариш функцияси.

Ердан фойдаланишнинг иқтисодий бошқариш функцияси ер ресурсларини фаолият соҳалари, иқтисодий тармоқлари, ердан фойдаланувчи субъектлар ўртасида оқилона тақсимлаш ҳамда улардан фойдаланиш ва қайта тиклаш самарадорлигининг даражаси, ер бозорини тартибга солиш, ипотека тизимини такомиллаштириш асосида ердан фойдаланиш таркибини мақбуллаштиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

У ерлардан фойдаланиш ва қайта тиклаш, ер участкаларига бозор баҳоларини ўрнатиш, ерларнинг қиймат баҳосини ва ижара ҳуқуқини ўрнатиш, кредитлаш, ер солиғи ва ижара ҳақларини, ер участкалари ажратиб олинганда ўрнини қоплаш тўловларини асослаш, ерлардан оқилона ва самарали фойдаланишни рағбатлантириш бўйича қабул қилинадиган қарорларни иқтисодий асослаш механизмини ўз ичига олади.

Ердан фойдаланиш таркиби муҳим тушунчадир, у ерлардан фойдаланишнинг оқилоналиги ва самарадорлигини аниқлайди. Жамият томонидан ер ресурсларидан фойдаланиш кўп мақсадли характерга эга, шунинг учун ерларни мақбул таркибида тақсимлаш ва фойдаланиш ердан фойдаланишнинг тизимлилигини, шу жумлада белгиланган шароитда мумкин бўладиган энг юқори умумлаш самарадорлигини ҳам таъмирлайди.




1-расм. Мамлакат ердан фойдаланишининг турлари ва кичик турлари (захира ерлар кўрсатилмаган).




2-расм. Ердан фойдаланишни таркиблашнинг асосий белгилари.

Ерлар тоифаси деганда умумий белгилари бўйича бирлаштирилган ер участкаларининг тўплаш тушунилади. Мамлакат ер фондига нисбатан тоифа-бу ердан фойдаланиш асосида ижтимоий аҳамиятли белги-ернинг мақсадли моҳияти ётган ҳамда улардан фойдаланиш усуллари мақсад қилиб белгиланган ер участкаларининг тўпламидир.

Ер фондини ер тоифаларига бўлиниши ерларнинг мақсадли моҳияти бошқа турлардан фарқ қилдирувчи, аниқ белгиланган ердан

фойдаланишнинг тегишли асосий турларини аниқлайди. Кейин улар ер тоифалари чегарасида ердан фойдаланиш шартлари бўйича, маъмурий-ҳудудий белгилари, мулкчилик шакллари ҳамда ер участкаларига ҳуқуқий турлари ва бошқа белгилари бўйича кичик турларга бўлинадилар.

Қишлоқ хўжалик ерларининг устуворлигини ҳисобга олган ҳолда айнан ушбу ерлар ердан фойдаланишнинг энг муҳим тури ҳисобланади. Бу ердан озиқ-овқат маҳсулотлари ва саноат учун хомашё ишлаб чиқарилади, бу ерлар фойдаланиш ва қайта тикланишга катта миқдорлардаги сарф-харажатлар талаб қилади, уларни ўсиши заҳира ерлар ҳисобига ёки қишлоқ хўжалиги учун кам-маҳсулотлари ерлар ҳисобига амалга оширилади. Бундай янги ерларни ўзлаштириш катта сарф-ҳаражатларни талаб қилади.

Далачилик суғориладиган ердан фойдаланиш ихтисослиги бўйича турли-туман маҳсулотлар етиштиришни кўзда тутувчи мураккаб таркибига эгадир, ҳамда у қуйдагиларга бўлинади: пахтачилик, дончилик, савзавотчилик, картошкачилик, боғдорчилик-узумчилик, тамакичилик, ем-хашак етиштирувчи ердан фойдаланиш. Далачилик ердан суғормайдиган ердан фойдаланиш ихтисослиги бўйича асосан дончиликдан иборат, яйлов табиий шароитлари бўйича, ўз навбатида, дашт (чўл), тоғ-олди (адир) ҳамда баланд тоғ (тау) турларига бўлинади. Ўз навбатида қишлоқ хўжалигининг ихтисослиги бўйича яйловлар қўйчилик (гўшт етиштириш), қоракўлчилик ҳамда туячилик йўналишларига бўлинади.

Қишлоқ хўжалик ердан фойдаланиш таркибининг муҳим кўрсаткичларидан бири-бу уни кичик турлари майдонларининг бир-бирларига нисбатларидир. У билан ресурсларни ишлаб чиқиш зарурий махсулотларни ишлаб чиқиш таркибини ва ҳажмларни белгилаш, давлат томонидан маҳсулотларини сотиб олиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт ва импорт ҳажимлари ва таркибларини белгилаш боғлиқдир. У қишлоқ ишлаб чиқариш инфратузилмасини, маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳаражатларини, ерларни қайта тиклаш ҳаражатларини

аниқлайди, ерлардан самарали фойдаланишга сезиларли таъсир кўрсатади. Мақсадли ердан фойдаланишнинг мақбул нисбатлари мақбуллаштириш масаласини ишлаб чиқиш ва ечиш орқали, чизиқли дастурлашнинг симплекс усулидан фойдаланиш асосида эришилади.

Масаланнинг иқтисодий математик чегараланиш модели шартлари

$$\begin{cases} X_1 + X_2 + Xm \le R_1 \\ a_{21}X1 + a_{22}X_2 + X_{2m}\, Xm \le R_2 \\ \ldots\ldots\ldots\ldots\ldots\ldots \\ \ldots\ldots\ldots\ldots\ldots\ldots \\ a_{n1}X1 + a_{n2}X_2 + a_{nm}\, Xm \le R_m \end{cases}$$

$Z = C_1\, X_1 + C_2\, X_2 + \ldots\ldots\ldots\, C_nX_m \rightarrow$мах Мақсадли функция

бу ерда: $_i$ –эркин турли ($_i$=1,2,.....,m)

x $_i$-қандайдир i -экининг майдони

Rj-ресурслар турлари (j=1,2……,n)

$R_1$-экин майдони:

$a_{ij}$ - қандайдир i -маҳсулот бирлигини ишлаб чиқаришга сарфлаган j-турдаги ресурс.

$C_j$- қандайдир i - маҳсулот бирлигининг қиймати.

Чегараланишлар тизими ресурсларидан фойдаланишни чегаралашни ўз ичига олади, мақсадли функция (Z) эса маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини максималлаштиради. Масалан аниқ бир хўжалик, қишлоқ хўжалик тумани, вилоят ёки тармоққа нисбатан ечилади. Айнан шундай масала кўп йиллик дарахтзорлар учун ҳам ечилади. Экин ерлари, ҳайдалма ва яйлов ерларининг олинган мақбул натижалари қишлоқ хўжалик ердан фойдаланишнинг мақбул таркибини ташкил этади. Ердан фойдаланиш таркибининг иқтисодий моҳияти ердан фойдаланиш жараёнида намоён

бўлади, самарадорлиги ерларни мақсадли тақсимланишида режалаштирилади.




3-расм. Суғориладиган ердан фойдаланишнинг иқтисодий механизимида тупроқ бонитировкасининг роли.

Сувдан фойдаланганлик учун тўловларни киритиш суғориладиган ерлар майдонларининг, суғориш тармоқлари тагидаги майдонларнинг аниқ ҳисобини, ҳар бир сувдан фойдаланувчининг сувдан фойдаланишини ҳисобини, суғориш меъёрларини ҳаққоний белгиланишини, суғориш

сувини ташиш қийматини, ҳамда табиий ресурс сифатидаги сувнинг қийматини талаб қилади. Тўловли сувдан фойдаланиш фақатгина сув-кадастр ахборотларини эмас, балки ер-кадастри ахборотларини қўлланилишини ҳам талаб қлади, яъни бир вақтнинг ўзида сув ва ер кадастирига талабни тақдим этади. Кўп босқичли таркибига эга бўлган ва ўзаро ҳисоб-китобларга таъсир кўрсатувчи сувдан фойдаланиш тизими ноинки бирламчи сувдан фойдаланувчилар бўйича, балки унинг бутун таркибий бўлинмалари бўйича ҳам кадастр маълумотларини талаб қилади.

Республикада ўтказилаётган сув кадастри ер усти сувлари, ер ости сувлари ҳамда ерларнинг мелиоратив ҳолати кадастрларига бўлинади. Берилган ҳолатдаги моддий биологик бирикма сифатидаги тупроқлар сифатини баҳолаш учун ер, суғориш сув мелиоратив кадастрларидан фарқ қилувчи айнан тупроқ кадастри сифатидаги маълум бир кадастрларнинг ўзига хос кўрсаткичларидан фойдаланилади. Суғориладиган тупроқлар моддий биологик бирикма сифатида камида иккита турдаги ресурсни-ер ва суғориш сувининг мажмуаси сифатида гавдаланади.

**3-боб бўйича хулоса**

Ердан фойдаланишнинг умумлаштирувчи энг юқори боскич табиатдан фойдаланишнинг (тизим ости) таркибий кисмига нисбатан унинг мустакил тури деб каралади. Бу таърифда "Ердан фойдаланиш" тушунчаси ер манбаларидан фойдаланиш, уларни такрор ишлаб чикариш ва мухофаза килиш сохасини хамда давлат тадбирларини ташкил килиш ва амалга оширишнинг бирлигини камраб олади. Шундай килиб, ердан фойдаланиш кенг камровли ташкилий-иктисодий холатларнинг устунлигини таъминлашга каратилган тушинча сифатида эътироф этилади.

Ердан фойдаланиш - ижтимоий-иктисодий ходисадир. Шу маънода ердан фойдаланиш узида ер ресурсларидан фойдаланишнинг ташкилий-иктисодий мазмуни тавсифини ва ер тузиш ва унга мувофик булган тизимнинг тавсифи билан бирликда тушинилади.

Ердан фойдаланишнинг ижтимоий-иктисодий турлари тарихий ижтимоий-иктисодий тузумнинг мохияти билан богликдир. Ердан окилона фойдаланишнинг мохияти ва мазмуни ердан фойдаланишни самарадорлигини ошириш масаласини урганиш билан боглик.

Ердан фойдаланиш, пировард натижада ташкилий тадбирлар мажмуасидир. Бинобарин, унинг асосида, амал киладиган иктисодий конунларнинг онгли хисоби ётади. Шунга мувофик, ушбу муаммонинг мазмуни ва тахлилига хам янгича ёндошув зарур.

Самарадорликнинг тарихий ва мантикий тушунчаси ижтимоий ишлаб чикаришнинг ривожланиши билан богланган. Ишлаб чикаришдан ва иктисодий муносабатлардан ташкари у мустакил маънога эга эмас. Бирок самарадорлик тушунчаси нафакат "тор" иктисодий маънога эга. Самарадорликни бахолашнинг мажбурий шартлари орасида ечимларни танлаш буйича вазифаларни хал килиш мезони сифатида турмуш даражасининг андозаси, мехнат шароитининг кайд этилган шаклида чикадиган чекланганлик ва ижтимоий талабларни хисобга олиш зарур. Хар кандай иктисодий натижа, агарда у ижтимоий коидаларни бузишга олиб келса, салбий деб эътироф этилади.

## ХУЛОСА

Ердан фойдаланишни иқтисодий-ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш бозор иқтисодиётига ўтиш даврида ердан унумли фойдаланиш тизимини янада ривожлантириш Ўзбекистон Республикаси ишлаб чиқарувчи кучларининг ривожланиши учун жуда муҳимдир. Ҳозирги замон ердан фойдаланиш тизими давлат томонидан бошқарилиши, давлат ва ер билан ишлаётган ердан фойдаланувчилар эҳтиёжини ҳисобга олиши зарур. Худди шу принципга асосан ер муносабатларини мувофиқлаштириш ва иқтисодиёт мақсадига мувофиқ ерларни қайта тузишнинг давлат механизми тизимини шакллантирмоқ лозим.

Ердан самарали фойдаланиш қуйидаги муаммоли масалалар долзарб бўлиб турибди:

1. Давлат томонидан бошқарув қарорларини қабул қилиш учун давлат ер кадастри, ердан фойдаланиш ва уни муҳофазалаш устидан давлат назорати, ер тузиш, ер мониторинги механизмларини, ўзаро ягона тизим тариқасида доимо такомиллаштириб борилиши зарур. Қонунчиликда, республика ва минтақалар миқёсида давлат бошқарув қарорларини қабул қилишда фақат ердан фойдаланишнинг истиқболли ва йиллик режалар ҳужжатлари асосида қабул қилишни қоида тарзида белгилаб қўйилса мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

2. Маъмурий туман ерларида кадастр баҳолашни ўтказиш ва ерларнинг меъёрий баҳоси асосида шаклланувчи ер учун тўлов тизимига ўтилишини таъминлаш. Бунинг учун амалдаги ер учун тўлов тизимини такомиллаштириш зарур. Буни амалга ошириш қуйидагиларга боғлиқ: ер учун тўлов ставкалари иқтисодий сезиларли бўлиши ва тегишли ер участкасининг рента даромадига мос келиши керак; ер учун тўлов барча учун мажбурий, у юридик ёки жисмоний шахслигидан ( ер эгаси, ердан фойдаланувчи, ижарачи ва хусусий мулкдор) қатъий назар мажбурий

бўлмоғи лозим; имтиёзли солиққа тортиш эса фақат тўлов миқдори, тўлов ҳамда йиғиб олиш муддатлари билан тартибга солиниши зарур; ер учун тўлов тизими, ер солиғи ва ижара ҳақидан ташқари ўзида қишлоқ хўжалик ерларидан мақсадга мувофиқ фойдаланишни бузганлиги учун, шунингдек ер билан боғлиқ ишлардан (олди-сотди в.ҳ.), ер кадастри ахборотларидан фойдаланганлик учун тушадиган тушумларни, жарималарни йиғиб тўланишини ҳам қамраб олиши керак; ер учун тўловларни ўзгармас қилиб, 3-5 йилга белгилаб қўйиш мақсадга мувофиқ бўлади.

3. Шаклланган маъмурий-ҳудудий чегаралар доирасидаги ялпи ерларни рўйхатдан ўтказиш бўйича ишларни тугаллаш ва унинг асосида ерларни асосий рўйхатга олиш, ер-кадастр ҳужжатларига тегишли ўзгартиришлар кирита бориш ҳамда ҳар бир ер участкасига алоҳида кадастр ҳужжатлари тўпламини шакллантириш лозим.

4. Ҳозирги даврда ерларни меъёрий баҳолаш ишлари республикамизнинг фақат қишлоқ хўжалик ерларидагина амалга оширилмоқда. Ер ресурсларини бошқаришда иқтисодий услубларни қўллашни татбиқ этиш мақсадида ва шу асосда ердан фойдаланиш унумдорлигини ошириш учун ҳукуматга “Мамлакат ер фондининг барча тоифаларида давлат кадастрини баҳолаш иш тизимини юритиш тўғрисида” таклиф тайёрлаш ва тақдим этиш мақсадга мувофиқдир.

5. Қишлоқ хўжалик корхоналарини давлат тасарруфидан чиқариш ва тарқатиб юбориш шароитида, ер фондларини фермер хўжаликларига тақсимлаб бериш натижасида далаларнинг (контурларни) бўлиниб кетиши, илгари татбиқ этилган ва ўзлаштирилган алмашлаб экиш, экинларни жойлаштириш таркибларининг бузилиши ҳамда деҳқончилик маданиятининг пасайиши каби жараёнлар ерларнинг аэроэкологик ҳолати ёмонлашувига олиб келди.

6. Туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимларининг кундалик фойдаланишлари учун туман ер кадастри хариталарини ишлаб чиқиб, унда барча алоҳида қийматга эга ерларнинг мавжуд ер участкаларини, санитариявий муҳофазалаш, сувни муҳофазалаш ва бошқа минтақалар (зона) чегараларини акс эттириш лозим.

7. Ер тузиш, ердан фойдаланиш ва уни муҳофазалаш устидан давлат назорати ўтказиш, ер мониторинги ва давлат кадастри юритиш учун тегишли миқёсдаги замонавий ва сифатли картография тарҳ ҳужжатлари билан таъминлаш ҳам муҳим аҳамиятга эга.

8. Охирги йиллардаги тажрибалар шуни кўрсатмоқдаки, хорижий давлатлар билан ахборотларни доимий айирбошлаш ва бошқа ҳамкорликлар ҳаётий заруратдир. Ер муносабатлари ва ер тузиш бўйича Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигининг Давлатлараро илмий муаммолар Кенгаши доирасидаги ер тузиш ва кадастр хизмати билан, Бирлашган миллатлар ташкилотининг Европа иқтисодий комиссияси бошқа халқаро ташкилотлар ва дастурлар билан муносабатларни ривожлантириш алоҳида аҳамият касб этади.

9. “Ергеодезкадастр” давлат қўмитаси тизимидаги ходимларнинг салоҳиятини ошириш ва қайта тайёрлаш Дастури ишлаб чиқилиб, ходимларнинг малакасини ошириш, лавозимларни эгалловчи ходимлар захирасини тўлдириш, Давлат ер кадастрини юритишнинг янги, компьютерли технологиясини ўрганиш, кадастрли суратга олиш ва ер тузиш ишларини ўтказиш зарур.

# ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ


## 1. Ўзбекистон Республикаси қонунлари

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Тошкент, «Адолат». - 1998.-78 б.
2. Ўзбекистон Республикаси Ер кодекси. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ведомости.-1998.-№5-6. б.82
3. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ведомости.-1998.-№5-6. б. 1-60
4. «Деҳқон хўжалиги тўғрисида»ги қонун. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ведомости.-1998.-№5-6. б.88
5. Ўзбекистон Республикаси Ер қонунчилиги. ИПК «Шарқ», Тошкент. 1995.-400 б.
6. Ўзбекистон Республикаси Қонуни "Давлат ер кадастри тўғрисида" Ўзбекистон Республикасининг янги қонунлари 19 сон, Т.:Адолат,1998

## 2. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари

1. Каримов И. А. Биздан озод ва обод ватан қолсин. Ўзбекистон, 1999.
2. Каримов И. А. Буюк келажак сари. Т.: Ўзбекистон, 1998 й.
3. Каримов И. А. Иқтисодий ислоҳатларни чуқурлаштириш йўлида. Т.: Ўзбекистон, 1995 й.
4. Каримов И. А. Миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура., Т: Ўзбекистон, 1996.
5. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид,барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари.– Т.,»Ўзбекистон»,1997
6. Каримов И.А. Озод ва обод ватан қолсин эркин ва фаровон хаёт – пировард мақсадимиз. Т.: Ўзбекистон, 2000

7. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда.- Т.,»Ўзбекистон»,1999.
8. Каримов И.А. Ўзбекистон келажаги буюк давлат. –Т.: “Ўзбекистон”. 1993.
9. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. –Т.: “Ўзбекистон”. 1992.
10. Каримов И.А. Ўзбекистон ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий тараққиётининг асосий тамойиллари. – Т.: Ўзбекистон, 1995й.

### 3. Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2004-2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепцияси тўғрисида»ги Фармони. 2003. 27 октябр.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон иқтисодиётида хусусий секторнинг улуши ва аҳамиятини тубдан ошириш чора-тадбирлари туғрисида»ги Фармони. 2003. 24 январ.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қишлоқ хужалигида ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида»ги Фармони. 2003. 24 март. 3226-сон.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 24 июлдаги "Юридик шахслар ва фуқароларнинг бинолари ҳамда иншоотлари билан банд бўлган ер участкаларини хусусийлаштириш тўғрисида"ги 3780-сон Фармони

### 4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари

1. Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 23 феврал Қарори. “Халқ сўзи “ - Т.:1994 йил 25 феврал

2. Ўзбекистон Республикасида давлат ер кадастрини юритиш тўғрисида Низом. 1998, 31 декабрь, УзР ВМ 543-карори
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 26 июлдаги "Юридик шахслар ва фуқароларнинг бинолари ҳамда иншоотлари билан банд бўлган ер участкаларини хусусийлаштириш тўғрисида"ги Қарори.

## 5. Мавзуга оид махсус адабиётлар

1. Абдуллаев Р.А., Абдукаримов В.И. , Ибрагимов Н.А. Иқтисодий ахборотни ишлашнинг автоматлаштириш тизимлари. - Т. : Ўқитувчи, 1993. - 136.
2. Авазбаев С.А. Рациональное использование земель в низовьях Амударьи. Ташкент - Мехнат. 1990.154с.
3. Авезбаев С. Ер тузишнинг илмий асослари. Т.: янги аср авлоди, 2002
4. Авезбаев С., Волков С.Н., “Ер тузиш иқтисоди”, “Янги аср авлоди”, 2002
5. Алиев Я. Э. Қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкат хўжаликлари) ни шакллантириш ва ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий асослари. (иқтисод фанлари номзоди диссертацияси), Бозор ислоҳатлари илмий-тадқиқот институти – Тошкент –2000 – 135 б.
6. Америка иқтисодининг асослари. АҚШ ахборот бўлими. Стюарт Рэмси. Иқтисодий зарба. «Economic Impact» Бьюс Крики шахри, 1991. - 212б.
7. Асанов Г.Р., Набихонов М., Сафаров И. Ўзбекистоннинг иқтисодий ва ижтимоий жўғрофияси, -Т., 1994.
8. Бекнозов Н., Йулдошев Ю., Юсупов Ю. ва бошқалар. Бозор иқтисодиёти назарияси.-Т.,1993

9. Беркинов Б. Моделирование систем ведения сельского хозяйсва. - Т.: Фан, 1990. - 128 с.
10. Бобожонов А.,Рахмонов К.,Гофуров А. Ер кадастри Тошкент, Чулпон, 2002
11. Бозор иқтисодиёти назарияси. Ўқув қўлланма. Бекнозов Н. ва бошқ. Университет, 1993. - 96 б.
12. Бозор муносабатларига ўтиш шароитида Ўзбекистон Республикаси деққончилик саноат мажмуаси (ДСМ) системасини информациялаштириш бўйича тавсияномалар. Тузувчилар:Архипов Б.Ф. , Нестеров В.М. , Юсупов Х.М. - .: Узагроинформ ИЧБ, 1992. - 36 б.
13. Бутов В.И., Игнатов В.Г., Кетова Н.П. Основы региональной экономики. Ростов- на Дону, 2000
14. Варламов А.А., Гальченко С.А.Управление земельными ресурсами. Учебное пособие. М. ГУЗ, 2003. – 240 с.
15. Варламов А.А., Захарова С.Н. Мониторинг земель. Учебние пособие. МУЗ, М., 2000.
16. Васьков С.Т. Территориальное управление в новых хозяйственных условиях. - М.: Экономика, 1990, - 191 с.
17. Волков С.Н Землеустройство. Том 4. Экономика математические методы и модели. М.: Колос, 2001
18. Волков С.Н. Землеустройство. Том 2. Землеустроительное проектирование. М.: Колос, 2001
19. Гендельман М.А. Волков С.Н. и др. Научные основы землеустройства. Учебное пособие. Акмала, Акмалинский СХИ, 1995. - 114 с.
20. Гладкий Ю.Н., Чистобаев А.И. Основы региональной политики.Санкт- Петербург,1998.

21.Государственное регулирование земельнкх отношений /Под. Ред .А.А. Варламова и В.С.Шаманаева –М.:Колос,1998.-264 с.
22.Гранберг А.Г. Основы региональной экономики.-М.2000.
23.Дехқончилик тармоқларида ресурс потенциали ва унинг самарадорлигини аниқлаш бўйича услубий тавсиялар. - Т.: ЎзР ҚСХВ, 1994. - 15 б.
24.Добудогло Г.Г., Хашимджанов М. Экономическая оцека орошаемых земель. Ташкент. Изд-во Фан. 1996, 148 с.
25.Ер солиғини ҳисоблаш ва тўлаш тартиби тўғрисида йўриқнома. - Т.: 1997й. 27 ноябрь. - 9 б.
26.Жумабоев С., Бердикулов Ш., Иқтисодий ерлар самарадорлиги нималарга боғлиқ. (СамКХИ) Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги журнали. 1/2001
27.Зиядуллаев С.К. Прогнозирование экономического развития Узбекистана в условиях перехода к рыночной экономике. Ташкент. Узбекистан, 1993. - 87 с.
28.Зиядуллаев С.К. Региональные проблемы экономики Узбекистана, -Т.,1986.
29.Игнатов В.Г., Бутов В.И. Регионоведение (методология, политика, экономика, право). Ростов-на Дону,1998.
30.Исломов М. Маматказин А. ва бошқ. Қишлоқ ва бозор: ўтиш даври аграр-иқтисодий муаммолари.,. -Т. : Мехнат, 1992- 111 б
31.Калашникова Т.М. Экономико- географическое районирование.-М.,1999.
32.Каргажанов З.К., Баймирзаев К.М. Экономический механизм природопользования. Алматы., 2000.
33.Ким В.Ч. - С. Эффективность использования орошаемых земель в условиях рыночной экономики (теория, методология, методика,

производственный эксперимент, внедрение) . - Т.: РЦНТИ Узинформагропром. - 1992. - 292 с.
34. Кнорринг В.И. Искусство управления: Учебник.- М.: БЕК,1997.-288 с.
35. Комов Н.В. Управление земельнкми ресурсами России: М.: РУССЛИТ, 1995.
36. Ларина Н.И., Кисельников А.А. Региональная политика в странах рыночной экономики. Учебное пособие. –М.,1998.
37. Ларченко Ю.П.. «Применение математических методов и землеустройстве», М. 1978 г.
38. Липси С.А. Проблемк кадастра и мониторинга земель в Российской Федерации // Деп. ВНИИТЭИагропром,№17 ВС—2000.-531 с.
39. Мауль Я.Я. Акимов В.В. Рыночный механизм землепользования. Акмола, Нива, 1993. - 171 с.
40. Методика по мониторингу земель в Республике Узбекитсан. Госкомзем Республики Узбекистан. Ташкент 2001. 84-стр.
41. Методические Рекомендации о порядке проведения работ по перераспределеиню земельного фонда реорганизуемых сельскохозяйственных предприятий в фермерские хозяйства. Ташкент 2002. 8-стр.
42. Муминов А. Қишлоқ хўжалик корхоналарини бозор иқтисодиётига ўтказиш бўйича таклиф ва тавсиялар., Тошкент. Узбекистон қишлоқ хўжалиги фанлари академияси иқтисод илмий-тадқиқот институти. 1992, 16 б.
43. Муродов Ч., Чориев Х.Қ. “Бозор инфратузилмаси иқтисодиётимиз пойдевори”. Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги журнали. 1998 йил, 4-сон. 7-9 бетлар

44.Муродов Ч. Иқтисодиётни эркинлаштиришда асосий тамойиллар. Ўзбекистон Иқтисодий Ахборотномаси. 1999, 2000, 3-сот, 43-45 бетлар.
45.Набиев Э., Қаюмов А. Ўзбекистоннинг иқтисодий салоҳияти.-Т., 2000.
46.Народное хозяйство Республики Узбекистан в 1993. - Т.: Мехнат, 1995. - 587 с.
47.Нигматов А.Н. Ер ҳуқуқи. / Ўқув қулланма. Т.: “Тошкент ислом университети”, 2001- 224 б.
48.Олимжонов О.О., Бахромов А.У., Султонов У.С. ва бошқалар.Ўзбекистон ҳудудлари мустақиллик йилларида .-Т.,1996.
49.Охрана окружающей природной среды и использование природных ресурсов Республики Узбекистан. Доклад. - .: Ўқитувчи, 1993. - 90 с.
50.Практикум по ЭМММ в землеустройстройстве. Под ред. Проф. Волкова С.Н. М. 1991г.
51.Ражабов И.К. Использование агроресурсов Республики Узбекистан в современных условиях хозяйствования. - Т.: Фан, 1993. - 90 с.
52.Рахманов К.Р., Бобожонов А.Р. Ер мулк салохиятидан самарали фойдаланишнинг минтақавий муаммолари // ТИҚХМИИ, Мақолалар тўплами, Т.: ТИҚХМИИ босмахонаси, 1998, 80-82 б.
53.Рахмонов Қ.Р., Умурзоқов У.П.. Ердан фойдланиш ва ер тузишнинг ҳозирги кундаги долзарб муаммолари. Республика илмий-амалий семинари материаллари. Тошкент-2000. 126-бет.
54.Региональная экономика. Под.ред .М.В.Степанова.-М.,2000.
55.Региональная экономика. Под.ред. Т.Г.Морозовой.-М.,1998.
56.Ризаев М.Т. Экономическая реформа и проблемы развития АПК республики. - Т.: Хазина, 1993. - 51 с.
57.Родоман Б.Б. Территориальные ареалы и сети.-М.,1999.

58. Садиков А. Формирование и развитие региональных агропромышленных комплексов.-Т.,1989.
59. Сайгайдак А.Э. Земельная собственность и рента. - М.: Агропромиздат, 1991. - 80 с.
60. Солиев А.С., Қаршибоева Л. Иқтисодий географиянинг назарий ва амалий масалалари.-Т. ЎзМУ,1999.
61. Солиев А.С., Маҳамадалиев Р.Й. Иқтисодий география асослари. –Т. ЎзМУ,1996.
62. Спектор М.Д. Прогнозирование и планирование использования земельных ресурсов. Учебное пособие. Акмала: АСХИ, 1995. - 112 с.
63. Спиридонова И.А. Мировая экономика. Учебное пособие.-М.,2001.
64. Талипов Г.А. Землельные ресурсы Узбекистана и проблемы их рационального использования. - Т.: Научно-исследовательский институт хлопководства Уз АСХН, 1992. 235 с.
65. Теоретические и методические положения управления земельными ресурсами и формирования системы государственного земельного кадастра. Под. Ред. А.А. Варламов. Монография. Том-II. Москва ГУЗ 2001. 300-стр.
66. Тухлиев О.Н. Региональный агропромешленный комплекс. - Т.: Фан, 1990. - 81 с.
67. Тўхлиев Н. Таксанов А. Национальная экономическая модель Узбекистана.-Т., 2000.
68. Тўхлиев Н.Т. Осиё ва бозор. - Т.: Фан, 1992. - 152 б.
69. Тўхлиев Н.Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти.-Т.,1998.
70. Узбекистон Республикаси миллий ер хисоботи., Т., Узбекистон Республикаси ер ресурслари давлат кумитаси., 2006 й.
71. Улмасов А., Шарифхўжаев М. Иқтисодиёт назарияси. - Т.: Мехнат, 1995. - 528 б.

72. Усманов А.С. Научные основы регулируемых рыночных отношений. - Т.: Узинформагропром, 1992. - 160 с.
73. Усманов М. Ер ва қонун. Тошкент. Адолат, 1994-160 б.
74. Ўзбекистон Республикасида давлат ер кадастрини юритиш тўғрисида Низом. 1998, 31 декабрь, УзР ВМ 543-карори
75. Ўзбекистон Республикасининг маъмурий –ҳудудий тузилиши.-Т.,1996.
76. Фонтов А,Г. Ресурсный потенциал: планирование, управление. - М.: Экономика, 1985. - 152 с.
77. Хусанов Р.Х. Аграрная реформа: Теория , практика, проблемы. - Т.: Ўзбекистон, 1994. - 72 б.
78. Хўжаликлараро ер тузишда график хужжатларни тайёрлаш ва расмийлаштириш кўрсатмаси. РҲ-22-042-01. Тошкент 2001. 6-бет
79. Чариев К.А. Проблемы аграрно ресурсного потенциала в условиях перехода к рынку. - Т.: Фан, 1992. - 183 с.
80. Чертовицкий А.С. Проблемы земельного кадастра// Сельское хозяйство Узбекистана.-1996. №3.-с. 8-9
81. Чертовицкий А.С. Учет земель сельскохозяйственных предприятий орошаемых районов Средней Азии. - .: 1990. - 82 с.
82. Чертовицкий А.С.О проблемах землепользованиях// Сельское хозяйство Узбекистана.-1996. №5.-с. 2-5
83. Чжен В.А. Бозор шароитида минтақанинг тармоқ тараққиёти.-Т.,1997.
84. Чориев Қ., Беркинов Б. Деҳқон ва фермер хўжаликларини ташкил этиш ва юритишнинг ҳуқуқий- меъёрий асослари. – Т.: “Шарқ”, 2002. –16б.
85. Шадиметов Ю. Ш. Региональные проблемы социальной экологии. - Т. : Ўзбекистон. 1992 - 111 с.

86. Экономико-математические методы и моделирование в землеустройстве. М.Д. Спектор, А.Л. Желясков. Н.П. Шалдунов. Акмола, 1995. 65-стр.
87. Экономические проблемы рационального использования земли. Черёмушкин С.Д. и др. - М. : “ Экономика” , 1997 - 101 с .
88. Эркаев Б.А., Каримова Г.И., Абдулкасимов Х.П. Бозор иқтисодиётини давлат томонидан тартибга солиш воситалари.-Т. : Шарк, 1996- 64 б

### 6. Интернет сайтлари

1. www.c-x.com – Land and Real Estate Appraising
2. www.iiasa.ac.at -Modeling Land-Use and Land-Cover Changes
3. www.apex-realty.ru
4. www.tikhvin.org
5. www.rels.obninsk.com
6. www.murman.ru/ecology
7. www.nestor.minsk.by/sn/sn0002
8. http://db.socionet.nw.ru/rupeec/xml/book
9. http://goldenpages.uz/more
10. www.kurs-n.nnov.ru

# ИЛОВАЛАР